

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

**ИКРАМОВА НАРГИЗА ИКРАМОВНА**

**ТУРКИСТОН ВА РОССИЯ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ**  
**АЛОҚАЛАР (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИ)**

**5A220201 - Ватан тарихи**

**Магистр даражасини олиш учун тақдим этилган**

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар: тарих фанлари**  
**доктори, профессор Расулов**  
**Абдулла Нуритдинович**

**НАМАНГАН - 2009**

**М У Н Д А Р И Ж А:****I боб. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги матбуот ва матбаа ишларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликлар.**

- 1.1. Туркистонда миллий матбуотни ташкил этиш ва ривожлантиришда россиялик матбуотчиларнинг ўрни.
- 1.2. Туркистонда совет даври матбуоти ривожига Волгабўйи халқларининг қўшган хиссаси.

**II боб. Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланишидаги ҳамкорлик алоқалари.**

- 2.1. Миллий театр санъатининг вужудга келишида Россия мусулмон театр труппалари ва актёрларининг ўрни.
- 2.1. Совет мафкураси асосидаги театр санъатининг шаклланишидаги ўзаро ҳамкорликлар.

**Хулоса****Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ватанимиз миллий мустақилликни қўлга киритганидан кейин тарихий ҳақиқатни мафкуравий тазйиқ ва таъсирлардан холи тарзда, холисона ва ҳаққоний, адолат ва тарихийлик нуқтаи назаридан халқимизга етказиш имконияти юзага келди.

Мустабид совет тузуми даврида кўплаб муаммолар қаторида миллатлараро муносабатларга ҳам ҳаққоний ёндашилмай, аксинча, бу масала фақатгина бирёқлама ёритилди. Хусусан, Туркистон ва Россия ўртасидаги маданий муносабатлар тарихи сохталаштирилди. Бунда асосан Россиянинг Туркистон минтақасидаги ўлка аҳолисининг «асрий қоқоқлик»дан «тарихий таракқиёт чўққиси»га олиб чиқилгани таъкидланди. Бу муносабатлар ҳақида Президентимиз И.А.Каримов: .. Энг аввало, мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилганди»<sup>1</sup>, -деган эди.

Мустақиллик йилларида тарих фанига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган йиллар мобайни давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида Ватан тарихини мустақиллик руҳи билан суғорилган ҳолда халққа етказиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Зеро, «... ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»<sup>2</sup>дир.

Россия империяси, сўнгра совет ҳокимияти ўз сиёсатида, энг аввало, метрополия манфаатларидан келиб чиқиб иш олиб борди. Бироқ ўша давр тадқиқотларида Россиянинг ҳам Туркистонда манфаатлари ҳам борлиги қайд этилмади. Аксинча, Россиянинг Туркистондаги манфаатлари яширилиб, чекка ўлкадаги қоқоқ халқларга берилган «ёрдам» сифатида кўрсатилди.

Кичик илмий тадқиқотимиз Россия империяси мустамлакачилиги даври совет ҳокимиятининг дастлабки йилларини қамраб олган бўлиб, унда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б.55-56.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. – Б. 4.

Туркистон ва Россиянинг турк-мусулмон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихини ёритишга бағишланади. Тадқиқотнинг долзарблиги, энг аввало, мавжуд адабиётлар, эълон қилинган илмий тадқиқотлар ва бошқа манбалар орқали XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида юқорида кайд этиб ўтилган ҳудудлар ўртасидаги маданий муносабатлар тарихини ҳолисона ёритиш ҳамда туркий халқлар алоқаларининг маълум бир даврини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.** Тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чораги белгиланди. Чунки мазкур даврда Туркистон ва Россия ўртасидаги маданий муносабатлар аввалги даврларга қараганда анча жадалланган ва ривожланган эди. Айни пайтда тадқиқот даврий чегарасининг бундай тартибда олиниши Россия империяси ва мустабид совет давридаги маданий муносабатларни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

**Тадқиқотнинг ҳудудий чегараси.** Тадқиқот учун ҳудудий чегара сифатида Россия империяси таркибидаги Туркистон генерал-губернаторлиги, кейинчалик 1918 йилда ташкил топган Туркистон АССР билан Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари белгиланди.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу масала ҳозиргача фанда алоҳида илмий-тадқиқот объекти бўлмаган. Бироқ мазкур масала барча даврларда илмий жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб келган. Мазкур масала бўйича адабиётларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мустабид совет даври адабиётлари.
2. Ўзбекистон истиқлоли йилларида эълон қилинган тадқиқотлар ва адабиётлар.

**Биринчи гуруҳ** адабиётларига хос бўлган умумий хусусият шундан иборатки, уларда асосан Россия ва Туркистон ўртасида маданий муносабатлар «қолоқлик, жаҳолат ботқоғига ботган ўлкани озодликка олиб чиқилгани» ҳақидаги ғояларни сингдиришга қаратилган. Бундай адабиётлар

каторига М.Аннагурдов, Ғ.Ғулом, А.Измайлов, И.Илялова, А.Каримуллин, З.Кастельская, Х.Махмутов, М.Нурмухамедов, М.Рахманов, Х.Салахутдиновларнинг асарларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

Мазкур гуруҳ адабиётлари қаторида Ш.Турдиев ва Т.Эрназаровларнинг асарлари алоҳида ақамиятга эгадир. Мазкур асарларда Туркистон ва Россия ўртасидаги маданий алоқалар тарихига кенг ўрин ажратилган. Жумладан, Ш.Турдиевнинг “Абадий ҳамкорликлар самараси” номли китобида Россия мусулмонлари ва Туркистон халқлари билан ҳамкорлик алоқалари, жумладан биз кўриб ўтаётган даврдаги кенг кўламли муносабатлар холисона, манбалар асосида ёритиб берган<sup>4</sup>. Т.Эрназаровнинг Туркистондаги матбуот тарихига бағишланган бир қатор асарларида ҳам маданий алоқалар тарихига алоҳида тўхталиб ўтилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритиб, тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш учун имконият туғилгандан сўнг мавзуга доир эълон қилинган ишлар **иккинчи гуруҳ** адабиётларини ташкил этади.

Ушбу давр адабиётлари ва тадқиқотларида масалага икки томонлама ёндошилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг асосий мазмуни шундан иборатки, маданий алоқаларни икки томондан ҳам тенг ва беғараз шаклда бўлганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, А.Расулов ва А.Исоқбоев томонидан эълон қилинган ишларда Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги маданий алоқаларга кенг ўрин ажратилган. Мазкур тадқиқотлардаги асосий ғоя Россия империяси

<sup>3</sup> Аннагурдов М.Д. Совет Туркменистанўнўн метбуот тарихўндан очерклар (туркман тилида). – Ашгабат, 1962; Гулям Ғ. Габдулла Тукай и наш поэт // Слово о Тукае. –Казань: Татарское книжное издательство. 1986; Измайлов А.Э. Просвещения в республиках советского Востока. – М.: Педагогика, 1973; Илялова И. Межнациональнўе связи татарского театра. – Казань, Татарское книжное издательство. 1985; Каримуллин А.Г. Татарская книга начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1970; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). –Москва: Наука. 1980; Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театрў (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияў, 1988; Нурмухамедов М.К. Из истории русско-каракалпакских культурнўх связей. -Т.: Фан, 1970; Рахманов М. Хамза и узбекский театр. - Т.: Гослитиздат, 1960. Унинг ўзи. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. -Т.: Изд-во литература и искусства. 1981; Салахутдинов Х. История образования и первўе годў Компартии Туркестана. -Т.: Фан, 1966.

<sup>4</sup> Турдиев Ш. Адабий ҳамкорликлар самараси (Ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан). -Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984.

<sup>5</sup> Эрназаров Т. Туркистонда вақтли матбуот (1870-1924 йиллар). -Т.: Ўздавнашр, 1959. Унинг ўзи. Расцвет народной печати в Узбекистане. -Т.: 1968. Унинг ўзи. История печати Туркестана, 1870-1925 гг. -Т.: Ўқитувчи. 1976.

худудидаги туркий халқлар ўртасидаги даставвал беғараз, сўнгра Марказ манфаатларига бўйсундирилган алоқалар тарихи баён этилган<sup>6</sup>.

Айни пайтда Н.Абдурахимова, Ф.Эргашев, И.Балдауф, У.Долимов, А.Жалолов, Ҳ.Ўзганбоев, Ш.Ризаев, Ш.Турдиев ва Б.Қосимовларнинг тарихий асарларида ҳам мавзуга доир қимматли маълумотлар учрайди<sup>7</sup>.

Мавжуд адабиётлар таҳлили маълумотларни умумлаштириш, тартибга солиш ва умумий хулосалар чиқариш лозимлигини кўрсатади.

**Диссертациянинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий вазифаси XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихини ўрганишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар устивор этиб белгиланди:

- Туркистонда миллий матбуотнинг вужудга келишида россиялик матбаачилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш;
- Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келишида рус ва мусулмон театр труппаларининг ўрнини очиб бериш;
- миллий театр санъатининг вужудга келиши ва ривожига Россия ички мусулмонлари билан ҳамкорлик алоқаларини ёритиш;

<sup>6</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. -Т., 1998; Унинг ўзи. Тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган татарлар // Жамият ва бошқарув. 2003, -№ 10; Унинг ўзи. Туркистон маданий ҳаётида татарлар // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004, -№ 1; Унинг ўзи. История взаимоотношений народов Туркестана, Поволжья и Приуралья (1917-1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. - Т., 2005; Унинг ўзи. Туркистон ва Волга-бўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). -Т.: Университет, 2005. Исоқбоев А.А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2005. -№1. Унинг ўзи. Мозийнинг мухтарам муаллимлари // Таълим ва тафаккур. - Наманган, 2005. -№2. Унинг ўзи. Татарларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир // Тарих тилга кирганда... (Маколалар тўплами) Даврий тўплам. -№1. – Наманган, 2007. Унинг ўзи. Туркистон матбуоти фидойилари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№4. Унинг ўзи. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дисс. - Наманган, 2008.

<sup>7</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. -Т.: Академия, 2002; Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) Ғ тузувчи Н.А. Абдуазизова. -Т.: Академия, 2000; Унинг ўзи. Миллий журналистика тарихи. 1-жилд. -Т.: Шарқ, 2008; Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. -Т.: Маънавият, 2001; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. -Т.: Университет, 2006; Жалолов А., Ўзганбоев Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. - Т.: Фан, 1993; Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ, 1997; Унинг ўзи. Саҳна маънавияти. -Т.: Манавият, 2000; Турдиев Ш. Международнўе связи туркестанских джадидов и политика правящих властей в 1910-1930 гг. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). -Т.: Маънавият. 2001; +осимов Б. Исмоилбек Гаспдали. -Т.: Ғ. Ғулом номидаги наشريёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Унинг ўзи. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002.

- совет даври матбуотини ташкил этишдаги ҳамкорлик алоқаларини таҳлил этиш;

- тадқиқот натижалари бўйича умумий, илмий хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Тадқиқотнинг манбавий асосини мустабид совет даври ва мустақиллик йилларида эълон қилинган тарихий-илмий асарлар, илмий тадқиқотлар, газета-журналларда чоп этилган илмий мақолалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда мавзуга доир адабиётлар, тадқиқотлар ва илмий мақолалар илк бор умумлашган ҳолда илмий жамоатчилик эътиборига хавола этилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва услубий асослари.** Мазкур тадқиқот илмий холислик ва адолат тамойиллари, умумбашарий қадриятлар асосида ҳар бир манбанинг мазмун ҳамда моҳиятидан келиб чиқиб яратилди. Тадқиқотни тайёрлашда тарихийлик, тизимлилик тамойилларига таянилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳақида»<sup>8</sup>ги ҳамда 1998 йил 27 июлда «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида<sup>9</sup> баён қилинган тарихийлик, ворисийлик ва тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, тарихга холисона ёндошиш мазкур илмий изланиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқот якунига кўра, унда келтирилган маълумотлардан мавзуга доир илмий конференциялар ташкил этиш, тарихий фанлар учун ўқув-услубий мажмуалар яратиш, шунингдек, тарих йўналишида таҳсил олаётган талабалар семинар машулотларига тайёрланишда фойдаланишлари мумкин.

<sup>8</sup> Халқ сўзи, 1996 йил 17 декабрь.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон овози 1998. 28 июль.

**Тадқиқотнинг тўзилиши.** Диссертация кириш, иккита боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

## **I боб. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги матбуот ва матбаа ишларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликлар.**

### **1.1. Туркистонда миллий матбуотни ташкил этиш ва ривожлантиришда россиялик матбуотчиларнинг ўрни.**

Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларининг юзага келиши бевосита Россия подшолиги истилосидан кейин юзага келди. Тошкентда 1868 йилда биринчи босмахона ҳарбий округ штаби ҳузурида ташкил қилинди. Бу босмахона дастлабки даврда яхши жиҳозланмаган эди. Шу сабаб фаўат турли бланкалар, иш қоғозлари босилди. Мазкур босмахона газета нашр қилишга мослашмагани учун 1869 йилда бошқа босмахона ташкил этилди. Бу ерда ишлаш учун Россиядан ҳарф терувчилар чақирилди. Ушбу босмахона 1870 йилдан араб ҳарфи (шрифти)га ҳам бўлди<sup>10</sup>.

1870 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг фармонида асосан «Туркестанские ведомости» газетасига илова тариқасида «Туркистон вилоятининг газети» ҳам чоп этила бошланди. К.П. фон Кауфман Петербургдан мазкур газетани нашр этиш учун мусулмон (араб) шрифти келтиришни илтимос қилди. Орадан 6-7 ой ўтгач, Тошкентга туяларда (бу вақтда ҳали темир йўллар қурилмаган эди-диссертант) мусулмон шрифтлари билан татар мутахассис ҳарф терувчилари - Шахингирей Бекқулов, Абдулатиф Явушев ва Али Бектемировлар келишди ва биринчи ўзбек тилидаги газетанинг нашр этилишига бош қўшдилар. Шу ўринда биринчи ўзбек матбуотчилари қаторига Сирожиддин Хўжаев, Ҳамид Хўжаев ва Абдурахмон Хўжаевларни киритиш мумкин<sup>11</sup>.

«Туркистон вилоятининг газети»ни ташкил этиш ва ривожлантиришда Туркистон генерал-губернатори таржимони Шоҳимардон Ибрагимов ва генерал-губернаторлик девонхонаси таржимони Муҳаммад Ҳасан Чанишевлар катта жонбозлик кўрсатдилар. Мазкур газетага 1872 йилдан

<sup>10</sup> Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. 1-жилд. -Т.: Шарқ, 2008. – Б. 68.

<sup>11</sup> Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870-1925 гг.). -Т.: Ўқитувчи, 1976. -С.18.

Ш.Ибрагимов, 1883 йилдан бошлаб қисқа муддат М.Чанишев муҳаррирлик қилдилар<sup>12</sup>. Мазкур газетага 1883 йилнинг охиридан 1917 йилгача этнограф, тарихчи ва таржимон Н.П. Остроумов муҳаррирлик қилган<sup>13</sup>. 1872 йил 18 январдаги маълумотга кўра, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва «Туркистон вилоятининг газети» таҳририясида Абдулла Яушев (60 рубль ойлик маош) ва Муҳаммад Курмишев (40 рубль ойлик маош) харф терувчи бўлиб ишлаганлар<sup>14</sup>.

1877 йилда С.И.Лахтин томонидан ташкил этган босмахона Тошкентдаги дастлабки хусусий босмахона эди. Мазкур босмахона литография жиҳозларига эга бўлиб, маҳаллий тилларда ҳам китоблар нашр қилган<sup>15</sup>.

XIX асрнинг 70-йиллари охирида Туркистонда маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан хусусий босмахоналар очиш бошланди. Хусусан, 1877 йилда Тошкентда, 1880 йилда Самарқандда, 1882 йилда Наманганда ва 1887 йилда Қўқонда шундай босмахоналар ташкил этилган<sup>16</sup>. Шубҳасиз бу босмахоналар ишини ташкил этишда татар матбаачилари етакчилик қилдилар.

Эсонбой Ҳусайнбоев дастлабки ўзбек нашриётчиларидан бири ҳисобланади. Унинг литографияси Тошкентда 1883 йилда ишга туширилди. Мазкур литография учун асбоб-ускуналар Россиядан 50 дан ортиқ туяда келтирилган.

1888 йилнинг охирида Тошкентда С.А.Порцев томонидан Яна бир босмахона ишга туширилди. Умуман, 1868 йилдан 1898 йилга қадар Туркистонда матбаа корхоналарининг сони 15 тага етди. Улардан олтитаси босмахона бўлиб, қолганлари литография ёки типолитографияга эга бўлган матбаа уйлари эди<sup>17</sup>.

<sup>12</sup> Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана...-С.19.

<sup>13</sup> Жалолов А., Ўзганбоев Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. -Б.18.

<sup>14</sup> Исоқбоев А.А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш // Жамият ва бошқарув.2005. -№1. - Б. 72.

<sup>15</sup> Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи... - Б. 69.

<sup>16</sup> Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана...-С.27.

<sup>17</sup> Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи... - Б. 69.

Китоб нашр қилиш янги ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсули бўлиб, унинг кашф қилиниши буржуа жамияти вужудга келишига муҳим шарт-шароит яратган эди. Бинобарин, Туркистонда китоб босишнинг кес ривожланиши унинг иқтисодий ва техник жиҳатан қолоқлиги натижаси эди. Россия империяси маъмурларининг Туркистонда вақтли матбуотни ташкил этишдан асосий мақсади ҳокимиятни мустаҳкамлаш, Туркистон генерал-губернаторлигининг обрўсини ошириш, мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш эди.

Россия империяси мустамлакачилари бошқа соҳалар каби ноширлик ишларидан ҳам ўлкани маънавий жиҳатдан тобе қилиш, руслаштириш сиёсатини кучайтириш каби стратегик вазифаларни ҳал этишда фойдаланишга интилди. Аммо ҳукуматнинг мафкуравий ва маъмурий тадбирларига қарамай, кенг халқ оммаси, миллий зиёлилар асрий анъаналарни асраб қолишга интилдилар, ўтмиш маънавий меросини бойитишга киришдилар. Ноширчилик ишларида миллий тараққиёт учун ўзига хос шафқатсиз кураш авж олди.

Матбаачилик соҳасидаги рақобатга чидай олмаган Н.А.Кугелнинг штампгравер (ўймакорлик устахонаси) босмахонасини 1907 йилда Самарқандда фаолият юритаётган ака-ука Игнатовлар литографияси ҳамда Слиянов ва Назаров матбаалари ширкатини Г.Демуров литографияси ўзига кўшиб олди. Натижада 1908 йилда бу қадимий шаҳарда катта литография вужудга келди. Бу ерда дастлаб чой ёрлик (этикетка)лари босмадан чиқарилди. 1904 йил 1 майдан В.М.Морозов ташкилотчилигида рус тилида «Самарқанд» газетаси нашр этила бошланди. Унга аввал Н.В.Бототин, кейинчалик П.В.Поздняков, Г.Д.Демуровлар ноширлик қилишди. 1906 йилда 16 январда Ушбу газета ва босмахона подшо цензураси томонидан ёпилди. Кўп ўтмай Г.Д.Демуров ката жарима тўлаб, босмахонани қайта ишга туширишга муваффақ бўлди. Газета 1906 йил 5 февралдан бошлаб кундалик нашр – «Зарафшан» номи билан чоп этила бошлади<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> Бобохонов А. Уч асрга юзланиб // Миллий тикланиш. 2000, 24 июль.

1897 йил 14 октябрда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лейтенат Швайковский Туркистон генерал-губернаторига ёзган хатида водийда яшовчи ярим миллион кишилик рус аҳолиси учун вақтли матбуотнинг ўта зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. Худди шу мазмундаги хатлар генерал-губернатор номига Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳарбий губернаторларидан ҳам келган эди. Мазкур илтимосномалар натижасида юқоридаги вилоятларда ҳам вақтли матбуот нашрлари юзага келди<sup>19</sup>.

Китоб босишнинг ривожланиши Туркистонда махсус цензура қўмитаси таъсис этиш эҳтиёжини туғдирди. 1883 йилда Н.П.Остроумов Туркистон ўлкасида илмий-адабий фаолиятни «ривожлантиришни кўзда тутиб», Туркистон генерал-губернатори ҳузурида маҳаллий цензура қўмитаси таъсис этишни таклиф қилади. Аммо бу таклиф амалга ошмади. Генерал-губернатор маҳкамасидаги маъмурлар бу ерда бундай фаолият учун асос йўқ деб ҳисобладилар. Гарчи цензура қўмитаси таъсис этилмаган бўлса ҳам, нашр этиладиган асарлар цензурадан ўтмасдан қолмас эди<sup>20</sup>.

Туркистонда жаҳид матбуотининг юзага келиши шу давр учун катта прогрессив ҳодиса эди. Гафлатда ётган халқни уйғотиш ва унинг сиёсий-маънавий онгини юксалтиришда даврий матбуотнинг муҳим ўрин тутишини англаб етган тараққийпарвар жаҳидлар 1905 йил 17 октябрда Россия императори Николай II нинг «Сўз ва виждон эркинлиги ҳақида»ги Манифести эълон қилинганидан сўнг бу борадаги ишларни жадаллаштириб юбордилар.

Россия империяси ҳудудида яшовчи туркий халқлар ичида ўзларининг миллий матбуотчилигига биринчилардан бўлиб, татар маърифатпарварлари тамал тошини қўйдилар. Дастлаб 1883 йили Боқчасаройда «Таржимон» газетаси (ташкилотчиси ва муҳаррири Исмоилбек Ғаспрали) чиққан бўлса, Манифестдан сўнг 1905 йил 29 октябрдан «Қозон мухбири» (муҳаррири С.Алкин), 1906 йил 5 январдан Петербургда «Улфат» (муҳаррири Абдурашид

<sup>19</sup> Бобохонов А. Асрларга тенг матбаа // Ўзбекистон овози, 2000, 11 январь.

<sup>20</sup> Бобохонов А. Тарихни сохталаштириб бўлмади // Фидокор, 2004. 8 апрель.

Ибрагимов), 15 январдан Қозонда «Юлдуз» (муҳаррири Аҳмад Ҳоди Максудий), 1 февралдан «Озод» (муҳаррири А.Апанаев), 21 февралдан Оренбургда «Вақт» (муҳаррири Фотих Каримов) каби газеталар дунё юзини кўрди<sup>21</sup>. Газеталар нашрларининг биринчи йилидаёқ Россия подшолиги тобелигидаги туркий халқлар ҳақ-ҳуқуқини танитадиган кўплаб мақолалар нашр этилди. Туркистон тараққийпарварлари билан юқорида номлари тилга олинган газеталар ўртасида кенг кўламда ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурӣ ва бошқа туркистонлик тараққийпарварлар мақолаларини «Вақт» газетасида тез-тез кўриниб туриши ҳамда газетанинг Кабир Бакир, Аҳмаджон Бектемиров, Нуриддин Сайфулмулуков, Маҳмуд Будайли каби мухбирларининг Туркистонда фаолият олиб борганликлари фикримизни исботлайди.

Туркистондаги миллий даврий матбуот, босмаҳона ташкилотчилари асосан татарлардан иборат бўлган. 1905-1906 йилларда Қозон бадий мактабида ўқиган Исмоил Обидов 1906 йили таниқли татар матбаачилари Ш.Мухтор, И.Алиевлар ҳам ҳамкорликда Тошкентда «Тараққий» газетасини ташкил қилди<sup>22</sup>. Шу йилларда (1905-1906 йй. - диссертант) И.И.Гейер муҳаррирлигида мустамлакачи маъмуриятнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи айнан «Тараққий» номли газета ҳам нашр этилган.

«Тараққий» газетасининг биринчи сони 1906 йил 14 июнда чиқди. Газета ўзининг дастлабки сонидан бошлаб Россияда содир бўлаётган йирик воқеаларни асосий мавзу сифатида олиб, уларни кенг меҳнаткаш халқ нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилди. «Тараққий» ўз саҳифаларида подшо маъмуриятнинг Туркистонда юритаётган мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати, ижтимоий ҳақсизликларни очиб ташлашга қаратилган мақолаларни эълон қилди. Жумладан унинг 1906 йил 30 июль сонисидаги «Дунё йиғувчилари ва меҳнат қилувчилари хусусида» номли мақолада меҳнаткаш

<sup>21</sup> +осимов Б. Миллий уйғониш. -Тошкент, Маънавият, -2002. - Б. 50-51.

<sup>22</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917-1924 йй.). Тарих. фан. доктор. дисс. -Наманган. 2005. -Б.282.

аҳолининг ҳор-зорликда, юқори табақа вакилларининг эса роҳат-фароғатда яшаётганликларини аччиқ сатрларда исботлаб беради<sup>23</sup>.

«Тараққий» газетаси ҳафтасига икки марта чоп этилиб, унинг саҳифаларида шарқшунос В.Наливкин, ёзувчи ва таржимонлар Исмоил Алиев, Шокир Мухторов, ўзбек маърифатпарварлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Нозимахоним ва бошқалар ўзларининг ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига бағишланган мақолалари ҳамда илмий ижод намуналари билан қатнашиб турдилар<sup>24</sup>.

Маърифатпарварлик ва озодлик ғояларини ўзига байроқ қилиб олган «Тараққий» газетасига сунъий равишда маҳаллий уламолар томонидан бўхтон ва тухматлар уюштирилди. Тез орада маъмурият томонидан таъқиб остига олиниб, матбуот нашри мусодара этилди. Муҳаррири И.Обидов эса камоққа олинди<sup>25</sup>. «Тараққий» газетаси атиги 72 кун умр кўрган бўлса-да<sup>26</sup>, унинг 20 та сони нашр этилди ва Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келишида ўзига хос замин ҳозирлади. Орадан кўп ўтмай шу йилнинг 6 сентябридан Мунавварқорининг «Хуршид», 1907 йил 1 декабрдан Абдулла Авлонийнинг «Шухрат» газеталари чиқа бошлади.

«Тараққий» газетаси ёпилгандан сўнг орадан икки йил ўтиб, 1908 йил апрелдан яна бир татар маърифатпарвари Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» газетаси нашр этила бошланди. Газетанинг бешта сони чиққандан сўнг подшо маъмурлари томонидан ёпилди. Газета саҳифаларида Абдурашид Ибрагимовнинг туркчилик ва исломчилик масалаларига бағишланган, бошқа жаҳид зиёлиларининг Туркистонда маориф тизимини ислох этиш бўйича мақолалари босилди<sup>27</sup>.

<sup>23</sup> Жалолов А., Ўзганбоев Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. -Б.64.

<sup>24</sup> Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. –Казань, 1997. -С.173.

<sup>25</sup> Жалолов А., Ўзганбоев Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. –Б.62.

<sup>26</sup> Расулов А. Исоқбоев А. Зиё тарқатиш йўлида // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари. –Наманган, «Наманган» нашриёти, 2002. –Б.80.

<sup>27</sup> Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. Ислам в татарском мире: история и современность. –Казань, 1997. -С.174.

И.Обидов ва А.Бектемировларнинг газеталари ҳукуматга қарши руҳда деган айблов асосида ёпилган бўлишига қарамай туркистонлик татарлар маҳаллий газеталар билан ҳамкорликни давом эттирдилар. Абдурауф Музаффар, Нўширавон Яушев, Абдулла Беги, Махмуд Будаили ва бошқалар Туркистондаги бошқа миллий газеталарда ўз мақолалари билан фаол иштирок этиб бордилар<sup>28</sup>. Татар таржимони Гази Нурмуҳаммад Гарифиулович Усмонов Обиджон Махмудовнинг «Садои Фарғона» газетаси таҳририясида фаолият кўрсатди. Машҳур татар сиёсат арбоби Ислон Шагиаҳмедов «Туркестанский край» газетасининг муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

1908 йил машҳур татар маърифатпарвари Абдурашид Ибрагимов Бухорога келиб, қушбеги билан бу ерда мусулмонча типография очиш тўғрисида музокаралар олиб борган. Унинг Бухоро амирлиги учун фойдали томонларини айтиб ўтган. Бироқ қушбеги амир Абдулаҳадхон билан бу хусусда маслаҳатлашгач, унинг халқаро миқёсдаги фаолиятдан чўчиб, бунга розилик бермаганлар. Ҳатто А.Ибрагимовнинг тезроқ Бухоро амирлигидан чиқиб кетиши учун йўл ҳақини ҳам тўлаганлар.

1909 йили Тўрақўрғонда халқ қозиси Исҳоқхон тўра Жунайдуллаҳўжа ўғли томонидан янги типо-литография (тошбосма – диссертант) очилган бўлиб, Наманган шаҳридаги ҳукумат ва шахсий буюртмаларни нашр этишга киришган. Исҳоқхон тўра татарлар билан дўстона муносабатда бўлиб, литографияни ҳам уларнинг маслаҳатига асосан очган эди. Унинг яқин ёрдамчиси қозонлик татар Абдулрауф Шагидуллинов бўлиб, у литография ишини юритиш билан бирга, шу ерда ташкил этилган янги усул мактабида ўқитувчилик қилган.

А.Шагидуллинов кейинчалик ўз юртига қайтиб кетиб, 1918 йилнинг май ойида Симбирскда «Овул» номли журнал чиқаришни йўлга қўйган. Журнал содда туркий тилда бўлиб, жойларда жамоаларга бирлашиб ишлаш,

<sup>28</sup> Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: ... -С.174.

суд ишлари, дўконлар очиш, майда жамиятлар тузиш каби масалалар ҳақида малумотлар бериб бориш билан шуғулланар эди<sup>29</sup>.

Татар зиёлилари матбаа ишларидан ташқари Туркистонда янги руҳдаги китоблар, газеталар савдоси ва кутубхоналар ташкил этиш билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, 1909 йил 18 августда Исҳоқ Шарипов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига илтимоснома ёзиб, Қўқон шаҳрида «Кашшофия» номли китоб дўкони очишга руҳсат сўрайди. Илтимосномада ёзилишича, китоб дўконида китоблардан ташқари кунлик газеталар сотилиши ҳам кўзда тутилган эди. И.Шарипов ўз илтимосномасида Қўқон шаҳрида 1895 йилдан бери яшаётганлиги, 5 йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келганлигини айтиб ўтган эди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Қўқон уезди бошлиғидан И.Шарипов шахси ҳақида маълумот сўрайди. Қўқон уезди бошлиғи И.Шариповнинг «ўта панисломист» эканлигини таъкидлаб, китоб дўкони очишдан мақсади диний ақидапарастлик руҳидаги китоблар савдосини йўлга қўйиши мумкинлигидан чўчиётганлигини билдиради.

1909 йил маълумотларига кўра, Чустда 2 та, Андижонда 18 та, Наманганда 20 та, Қўқонда 32 та китоб дўконлари бор эди. Бу китоб дўконларида Бомбей, Истанбул, Қозон, Тошкент ва Қўқонда нашр этилган 100 дан ортиқ номдаги китоблар сотилар эди. «Тафсиру фавоид», «Жазохил ҳикоят», «Абу айн сина», «Гўрўғли», «Дур ул ажалб», «Дур ул мажолис», «Мажо ул латиф», «Ҳикояти латиф» каби китоблар Қозонда, татар тилида чоп этилган эди.

1913 йилга келиб, Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасида Оренбургда чоп этилаётган «Вақт» газетасини ўқувчилар сони кескин ортиши муносабати билан маҳаллий татарлар мазкур газетани Туркистонда кўчириб босишни ташкил этишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бироқ ҳукуматдан руҳсат олинмагач, бу ишлар тўхтаб қолди<sup>30</sup>.

<sup>29</sup> Исोकбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дисс. - Наманган, 2008. - Б. 112.

<sup>30</sup> +осимов Б. Миллий тикланиш... -Б.51.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Туркистон жадиждларининг татар-бошқирд маърифатпарварлари билан матбуот соҳасидаги ҳамкорликлари янги босқичга кўтарилди. Нафақат ўз миллати, балки барча турк-мусулмон дунёси қайғуси билан ёнган Аҳмад Заки Валидий, Пўлат Солиев, Кабир Бакир, Мухтор Бакир ва бошқа татар-бошқирд халқининг фарзандлари Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш билан биргаликда ўзларининг қуйидаги газеталарини ҳам нашр эттирдилар:

1. «Улуғ Туркистон» газетаси - Тошкентда Кабир Бакиров ва Содик Абдусатторовлар муҳаррирлигида 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябрга қадар татар тилида чоп этилган. Туркистон татарларининг марказий шўроси ва Тошкент татарларининг «Иттифоқ» жамияти нашри ҳисобланган.
2. «Эл байроғи» газетаси - Қўқонда Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирийлар муҳаррирлигида 1917 йил 8 сентябрдан 1918 йил бошларига қадар Туркистон мухторияти ҳукуматининг нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган.
3. «Фарғона саҳифаси» газетаси - 1917 йил 15 мартдан Наманганда таниқли татар матбуотчиси Хусайн Макаев томонидан ўзбек тилида нашр этилган. Газетанинг 19 та сони чоп этилган холос<sup>31</sup>.
4. «Кенгаш» газетаси - Тошкентда Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва Мунаввар Қори муҳаррирлигида 1917 йил 25 июндан 1917 йил октябрга қадар Туркистон мусулмон марказий шўросининг нашри сифатида чоп этилган.
5. «Шўрои Исломи» газетаси - Тошкентда А.Баттол муҳаррирлигида 1917 йил 16 майдан 1917 йил июнга қадар «Шўрои Исломия» ташкилотининг нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган.
6. «Чаён» журнали – Тошкентда Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирийлар муҳаррирлигида 1917 йил июндан 1918 йил августга қадар Туркистон

<sup>31</sup> Жалолов А., Ўзганбоев Ш. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг таракқиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. –Б.15.

миллий ишчилар секциясининг нашри сифатида татар тилида чоп этилган.

7. «Чўл чаён» журнали – Тошкентда Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида 1918-1919 йилларда татар тилида чоп этилган.
8. «Халқ дорулфунуни» - Тошкентда Мухтор Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида 1918 йил 31 майдан бошлаб Туркистон халқ университетининг нашри сифатида чоп этила бошланган<sup>32</sup>.

Мазкур газета ва журналлар ичида машҳур татар маърифатпарвари Кабир Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида нашр этилган «Улуғ Туркистон» газетаси алоҳида ўрин тутди.

Кабир Бакир (1880-1938) ўзининг журналистлик фаолиятини 1905 йил 2 сентябрдан Петербургда татар тилида Атаулло Боязидов муҳаррирлигида чиқа бошлаган «Нур» газетасида бошлаган эди. Кейинчалик у «Вақт» ва бошқа газеталарнинг муҳбири бўлиб ишлаган пайтда кўп мартаба Туркистонда бўлиб, бу ердаги ҳамкасблари билан дўстлик ришталарини боғлади. 1917 йил феврал инқилобидан сўнг Тошкентга келиб, «Улуғ Туркистон» газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири бўлди.

«Улуғ Туркистон» газетасининг биринчи сони «Туркестанские ведомости» босмаҳонасида 1917 йил 25 апрелдан чиқа бошлади. Обуна учун «газитанинг баҳоси йиллик 7 сўм, олти ойлик 4 сўм, уч ойлик 2 сўм 25 тийин» нарх белгиланди. Газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, унинг биринчи саҳифаси юқори қисмида эълон (реклама – диссертант) ундан сўнг куннинг энг муҳим воқеаси баён этилиб, кейинги саҳифаларда «Телеграф хабарлари», «Сиёсий аҳвол», «Адабиёт», «Доҳилия хабарлари», «Туркистон хабарлари», «Тошканд хабарлари» ва яна охирида эълонлар ўрин олган.

«Улуғ Туркистон» газетасини чиқариш йўлидаги иқтисодий масалалар тошкентлик Раҳим Туминов, Латиф Явушев, Халил Ширинский, Сафарали Сутушов ва Муборақшо Эшимбоевлар томонидан ҳал этилган<sup>33</sup>. Тошкентда

<sup>32</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида... - Б. 114.

<sup>33</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон матбуоти фидойилари // Жамият ва бошқарув. 2007. -№4. - Б. 107.

машҳур бўлган Яушевлар оиласи ҳам газетанинг ташкилотчиларидан бири эди.

Дастлабки жараёнда «Улуғ Туркистон» газетаси ўз босмахонасига эга бўлмаганлиги сабабли «Туркестанские ведомости» босмахонасида chop этилган ва бу ҳол унинг доимий чиқиб туришига салбий таъсир кўрсатган. 1917 йил декабрдан бошлаб, газета ўз матбаасига эга бўлгандан сўнг унинг ҳафтада 3-4 марта чиқиб туришига имконият туғилди.

Иқтисодий муаммоларнинг кучайиб бориши газета сотувига салбий таъсир кўрсатган. Бу омил гезетани кенгроқ ҳудудда сотишни тақазо этарди. Шунинг учун ҳам 1918 йил бошларидан «Улуғ Туркистон» газетасини Тошкент темир йўлининг йирик станцияларида ҳам сотишни йўлга қўйилди.

«Улуғ Туркистон» газетасини кўриб чиқиш жараёнида унинг ўз олдига қўйган мақсади Россия ҳудудида яшовчи «турк-мусулмон халқи»ни ягона миллат ёки давлат (мухторият)га бирлаштириш, уларни (ўзбек, қozoқ, татар-бошқирд – диссертант) алоҳида-алоҳида мухторият тузишларига йўл қўймаслик ғоялари билан уйғунлашганлигини кўриш мумкин. Хусусан, газетанинг 1917 йил сонларидан бирида: «Хуррият эълон қилинув ила (1917 йил февраль инқилоби назарда тутилмоқда – диссертант) Тошканддаги нўғойлар масжидида тотор, сартия ва қozoқлардин иборат уч-дўрт минг кишилиқ бир митинг ёсолди. Хуррият ва эрклиқ ҳурматиға ғоят таъсирли нутқлар сўйланди. Охирида бир овоздин «Битсун тоторлиқ, сартиялик, қozoқлик! Яшасун мусулмонлик ва турклик!» дея фотиҳа қилинди. Мундин сўнг ҳеч бир вақт сартия, қozoқ, тотор дея турк болаларини турли исминда юругуб айирма ёсомасқа қарор берилди...» дея хабар беради<sup>34</sup>.

«Улуғ Туркистон» газетасининг асосий мавзуларидан бири Туркистон ўлкасида яшовчи татарларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятларини кенг ёритиб беришдан иборат эди. Газетанинг деярли ҳар бир сониди Тошкентдаги Марказий татар шўроси, «Иттифоқ» жамияти, «Муслималар нашри маориф жамияти», Қўқон, Каттақўрғон, Самарқанд, Бухоро, Андижон

<sup>34</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида... - Б. 115.

ва Намангандаги татар жамиятларининг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳақидаги хабарлар ўз ифодасини топар эди.

1917 йил 3 апрелда ташкил этилган «Иттифоқ» жамияти Тошкент шаҳрида яшовчи татарларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан биргаликда ўлка сиёсий ҳаётида ҳам фаол ҳаракат олиб борган.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Янги Бухоро (Когон)да яшовчи татарлар ҳам ўз жамиятларини тузадилар ва мактаб қуриш учун пул жамғарадилар. Бухоро амири Саид Олимхондан мактаб учун ер сўрайдилар. Талабни қондирган амир уларга яхши бир бино ҳадя этиш билан биргаликда, шу бинони таъмирлаш учун 20 минг рубль пул ҳам беради<sup>35</sup>. Бу воқеа Бухорода яшовчи татарларнинг чексиз қувончига сабаб бўлади. Мана шу вақтдан эътиборан Эски Бухорода ҳам татар жамиятининг шўъбасини очиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилади.

1917 йил май ойи бошларида Қозондан А.Баттол ва Исмоил абзи Туркистонда матбаа ишларига ёрдам бериш учун келдилар. Улуғ Туркистон газетаси таҳририяти «...Қозон мусулмонларининг шундайин муҳим замонда Туркистондаги мусулмон қардошларин эсларина олиб кўрсатган бу зўр ёрдамлари» учун кўп миннатдорчилик билдиради. А.Баттол ва Исмоил абзи «Шўрои Исломия» ташкилотига аъзо қилиб олинадилар. Уларнинг келиши билан «Турон» газетаси чиқарилиши тўхтатилиб, янги «Шўрои Исломия» газетасини чиқаришга қарор қилинган.

«Умид» (Улуғ Туркистон) матбаа ширкати 1917 йилда кўрган фойдасидан 20 000 сўмни ўқитувчилар тайёрлаш мактабига топширди. Ширкат Низомига кўра, йиллик кўрилган соф фойданинг 20 фоизи идора аъзоларига берилиши керак эди. Бироқ идора аъзолари Раҳим Туминов, Муҳаммаджон Ўразаев, Алисафар Сутушов, Жалолиддин Тожиддинов, Мухтор Бакир ва Кабир Бакирлар ўз улушларини олмай Марказий татар

---

<sup>35</sup> Исоқбоев А.А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш // Жамият ва бошқарув. 2005. -№1. - Б. 72.

бюроси ва «Иттифоқ» жамияти томонидан таъсис этилган ўқитувчилар тайёрлаш мактабига беришни лозим топдилар<sup>36</sup>.

«Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 24 декабрдаги 46-сонидан бошлаб, сарлавҳада «Яшасун Туркистон Мухторияти» шиори пайдо бўлди. Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгандан кейин (1918 йил 18-19 февраль) 21 мартдан эътиборан бу шиор бошқа тарзда ўзгартирилди. Албатта бу большевикларнинг таъсири ёки тазйиқи остида ўзгартирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

«Улуғ Туркистон» газетаси таҳририяти ходимлари 1918 йил 23 февралдан махсус журнал чиқаришни режалаштирганлар. Бу журналдан келадиган фойда очликдан азоб чекаётганларга ёрдам кўрсатишга сарфланиши кўзда тутилган. Журнални чиқаришга тошкентлик бойлар қоғоз билан, муҳаррир ва харф терувчилар эса ёзув билан ёрдам кўрсатишлари кўзда тутилган. Март ойида биринчи сони чиқариладиган бу журналнинг баҳоси 1 рубль эди.

Юқоридаги маълумотлар Туркистон татарларининг энг масъулиятли пайтларда ҳам ўлка халқлари билан елкама-елка туриб, сабот билан кураш олиб борганликларини тасдиқлайди. Большевиклар режими ўрнатилиб, миллий тараққийпарварларга нисбатан тазйиқларнинг кучайиши, молиявий ҳолатнинг ёмонлигига қарамасдан, «Улуғ Туркистон» газетаси нашр этилишда давом этган.

1918 йил 28 апрелда Тошкентдаги барча нашриётлар совет ҳукумати қўлига ўтганлиги эълон қилинди. Шу жумладан Улуғ Туркистон газетасининг «Умид» матбааси ҳам барча асбоб-ускуналари билан ҳукумат томонидан тортиб олинди. Мазкур матбаа марказий татар бюроси ташаббуси билан ташкил қилиниб, унинг учун алоҳида ширкат ҳам тузилган эди. Бу ширкатга бутун Туркистон ўлкасидан юзга яқин аъзо бўлиб, уларнинг

---

<sup>36</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида... - Б. 117.

аксариятини муаллимлар, муҳаррирлар, ҳарф терувчи ва бошқалар ташкил этарди<sup>37</sup>.

1918 йил охирига келиб, оғир иқтисодий ҳолат ва тазйиқлар остида газетанинг нашр этилиши ўз поёнига етди. Марказдан «Миллий ишлар секцияси»га расмий ва фавқулодда комиссар қилиб юборилган Ориф Клевлеев секция мажлисида Улуғ Туркистон газетасини бутунлай тўхтатиб, унинг ўрнига «Янги Улуғ Туркистон» номли большевиклар сиёсатига мос бошқа бир газета чиқаришни таклиф қилди. Бу фикр дастлаб қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, секциянинг сўнгги мажлисида «Иштирокиюн» номли газета чиқаришга қарор қилинди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли устидан назорат олиб бориш ва муҳаррирлар фаолиятини муайян йўлга солиш учун хусусий матбаа дастгоҳларини йиғиш, матбуот билан шуғулланадиган барча мусулмон жамоасини бир ерга жамлаб, мусулмон органларини тузишга қарор қилинади. Бу тадбирларни амалга ошириш вазифаси матбуот ходими Абдулҳамид Бекқуловга топширилади<sup>38</sup>.

Шундай бўлишига қарамасдан, қарийб икки йил давомида нашр этилган Улуғ Туркистон газетаси Туркистон ўлкаси матбуотчилиги тараққиётида муҳим ва сезиларли из қолдирди.

«Чаён» журнали 1917 йил июнь ойида татар ва ўзбек миллий зиёлиларининг фикр тарқатувчиси бўлиб дунёга келди. Журнал икки ҳафтада бир марта Тошкентдаги «Ғуломия» босмахонасида Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирийлар муҳаррирлигида нашр этилган. Журналнинг 1917 йили 12 та, 1918 йилда 19 та сони чиқиб, Туркистон Халқ комиссарлиги миллий ишлар секцияси томонидан тўхтатилди.

1917 йил декабрдан Наманганда татарлар жамияти томонидан «Фарғона нидоси» номли янги газета чиқа бошлади. Газетанинг муҳаррири «Туркистонда биринчи тотор матбааси очув ва янги ишлар нашр қила бошлов ила танилгон» Хусайн Мақаев эди. Газета кичик ҳажмда бўлса-да,

<sup>37</sup> Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) Ғ тузувчи Н.А. Абдуазизова. -Т.: Академия, 2000. - Б. 52.

<sup>38</sup> Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). -Т.: Маънавият, 2002. - Б. 7-8.

тез-тез чиқиб туриши ва энг сўнгги маълумотларни мукамал етказиб бериши билан бошқа газеталардан фарқланар эди<sup>39</sup>.

1917 йил сентябрь ойидан бошлаб, Перовск шаҳрида Туркистонда биринчи бор болалар учун Ҳамза Газизов томондан «Болалар товуши» номли газета нашр этила бошланган.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ўлка миллий матбуотида ҳам фаол иштирок этиб борган. Унинг Туркистон миллий матбуотида: Сайловларда хотин-қизларнинг иштироки («Кенгаш», 1917 йил 25 июнь), Туркистонда ташкилот масаласи («Кенгаш», 1917 йил 19 июль) Мусулмонлар огоҳ бўлинглар («Кенгаш», 1917 йил 28 июль), Навбатдаги масалалар олдинда («Кенгаш», 1917 йил 11 август), Миллий руҳоний бойларимиз («Юрт», 1917 йил 1,2-сонлар) каби мақолалари чоп этилган эди<sup>40</sup>.

Ҳақли равишда таъкидлаш жоизки, татар матбуоти ва Туркистондаги яшовчи татар маърифатпарварлари ўлкада миллий матбуот ва матбаа ишларини ташкил этишда катта хизмат қилдилар.

### **1.3. Туркистонда совет даври матбуоти ривожига Волгабўйи халқларининг қўшган хиссаси.**

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар ҳам ўз сиёсий, иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонда маданий-маърифий ишларни, даврий матбуот ва нашриётларни жорий этишни, хотин-қизларни янги «коммунистик тузум»га тарафдорлар тариқасида жалб этишни йўлга қўйдилар. Эндиликда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун нафақат курул, балки тарғибот ва ташвиқот, аҳоли ўртасида большевиклар ғоясини сингдириш вазифалари турарди. Шунинг учун ҳам даврий матбуот ва нашриётларни «замон руҳи»га мослаштириш ва уларнинг сонини мумкин қадар маҳаллий тилларда кўпайтириш муҳим эди.

<sup>39</sup> Исоқбоев А.А. Мозийнинг мухтарам муаллимлари // Таълим ва тафаккур. 2005. -№2. - Б. 22-23.

<sup>40</sup> Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар... –Б.49.

Албатта, маҳаллий газета ва журналлар, адабиётларни чоп этишда, босмахоналарни керакли дастгоҳлар билан таъминлашда, ташкилотчи-журналистлар, тарғиботчилар билан таъминлашда Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Оренбург, Самара ва бошқа худудлардан келган татар, бошқирд, озарбайжон матбаачилари катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбеклардан даслабки матбаачилар қаторида ҳақли равишда Отажон Абдалов, Хасан Орифжонов, Юнус Юсуповни келтириш мумкин<sup>41</sup>.

Туркистонда даврий матбуот ва босмахона жонкуярлари қаторида Хусаин Макаев ҳам бор. У Қозонда педагогик мактабни тугатгандан сўнг янги усулдаги мактабда ўқитувчилик билан шуғуллана бошлайди. Аммо шароит тақозоси билан 1903 йили Туркистонга келишга мажбур бўлади. Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида педагогик фаолиятини давом эттириб мактаб ташкил этади. Орадан кўп ўтмай, унинг ташаббуси билан очилган мактаб ҳокимият томонидан беркитилади. Шундан сўнг Х.Макаев Наманганга келишга мажбур бўлади ва бу ерда ҳам янги йўналишда мактаб уюштириб ўзбек ва татар болаларини ўқита бошлайди. Педагогик фаолият билан бир қаторда Намангандаги «Исҳоқия» (ҳозирги Ибрат) босмахонасида корректор, ҳарф босувчи ва штампел ясовчи мутахассисликларида ҳам ишлади. 1917 йил март ойида Х.Макаев муҳаррирлигида «Фарғона саҳифаси» газетаси ўзбек тилида нашр этила бошлади. Аммо газетанинг 40 тагина сони нашр этилди холос. Х.Макаев 1917 йил охирларида Қозонга келади. Бу сафардан мақсад Наманган босмахонасига араб (мусулмон) шрифти харид қилиш эди. 1918 йил 10 январда Х.Макаевга М.Идрисов босмахонасидан 71 пуд араб шрифтини Наманган босмахонаси учун берилади. Деярли шу кунлари М.Идрисов босмахонаси Тошкент ва Верний (ҳозирги Алма-Ати) шаҳарларидаги босмахоналари учун ҳам тегишли тарзда 90 ва 51 пуд араб шрифтини тайёрлаб берганлар<sup>42</sup>.

<sup>41</sup> Пидяев Т. Матбуот-миллат чироғи. -Тошкент, 1990. - Б. 23.

<sup>42</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917-1924 йй.): Тарих. фан. докт. дисс. - Наманган, 2005. - Б. 285.

Қозондан қайтгандан сўнг Х.Макаев 1918 йили Наманганда ўзбек тилида чоп этиладиган «Ишчилар қалқони» газетаси ташкилотчиларидан бири бўлади ва 1921 йилдан 1928 йилгача Намангандаги давлат босмахонасини бошқарди. Шундан сўнг 1937 йил катағон қурбони бўлгунга қадар педагогик фаолият билан шуғулланди. Х.Макаевнинг педагогик, нашриётчилик фаолиятида унинг хотини Фотима Макаева ҳам жуда катта ёрдам бериб, у ўзбек-татар қизларига 1937 йилгача дарс бериш билан шуғулланган<sup>43</sup>.

1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар олдида янги тузумни ҳимоя қилиш ва унинг тарғиботидек мураккаб вазифа турарди. Шунинг учун бўлса керак, 1918 йили Туркистон халқ комиссарлигининг миллий масала бўйича органига қарашли ўзбек тилидаги «Иштирокиюн» газетаси чоп этила бошланди. Бу газетанинг дастлабки муҳаррирлари ҳам татарлар эди. Биринчи муҳаррир А.Клевлеев бўлган бўлса, унинг вафотидан кейин муҳаррирликни Аҳмад Донской бажарди. Бу газетага яна Ш.Г.Ахмадиев ҳам муҳаррирлик қилган эди<sup>44</sup>.

Шундай қилиб 1918 йилдан кейин «Қизил байроқ», «Ишчилар қалқони», «Меҳнаткашлар овози», «Меҳнат байроғи», «Туркистон», «Фарғона», «Бухоро ахбори» каби партия-совет матбуоти нашр этила бошланди. Аммо ўша «инқилобий рух»даги ғояни илгари сурадиган маҳаллий тилларда чиқадиган газеталар учун қоғоз, мусулмон шрифти, таржимонлар, ҳарф терувчилар, журналистлар, муҳаррирлар етишмасди. Боз устига Туркистондаги мавжуд босмахоналар ҳам янгиланишга муҳтож эди.

Туркистон республикаси раҳбарияти бир неча марта Қозон губернияси раҳбариятига босмахона муаммоларини йўлга қўйишда ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Масалан, 1918 йил охирларидаги мурожаатлардан бирида Туркистонга 15 нафар журналистни юбориш зарурлиги ва улар вилоят, уезд газеталарини чиқаришда зарурлигини уқтирилади ҳамда яна

<sup>43</sup> Долимов У. Исҳоқхон Иброт. -Т.: Шарқ, 1994.- Б. 53.

<sup>44</sup> Расулов А.Н., Исоқбоев А.А. Зиё тарқатиш йўлида // Ўзбекистон тарихининг айрим масалалари. - Наманган, 2002. - Б. 80.

«Туркистонга мусулмонлар тилларини яхши биладиганлардан имкон қадар кўпроқ юборишни» сўралади<sup>45</sup>.

Туркистон халқларини маҳаллий тиллардаги газета ва журналлар, рисола ва китоблар билан таъминлашда Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги ҳам катта роль ўйнаган. Масалан, фақатгина 1918 йил январидан ноябрига қадар Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги орқали Туркистон халқлари учун ўзбек, татар, қozoқ ва туркман тилларида 4 млн. нусхадан ортиқ газета, рисола ва турли варақалар чоп этилган эди.

1919 йил 27 февралда Туркистондан РСФСР халқ маорифи комиссарлигига қилинган мурожаатда ўқув қўлланмалари ва 400 минг варақ қоғоз, 10 та тошбосма юборишлари сўралган.

Туркистонда қуролли кураш билан бирга ғоявий, маданий-маърифий кураш ҳам энг муҳим вазифалардан бири эди. 1919 йили Турккимссия аъзоси Я.Э.Рудзутак томонидан Москвага берилган телеграммада, Қозон ва Петрограддан зудлик билан мусулмон шрифти юборишни сўрайди. 1919 йил охирида Россиядан 2 минг пуд қоғоз олинади ва Қозондан Туркистонда маданий-маърифий йўналишидаги кутубхона ташкил қилиш билан бирга битта тажрибали босмахона ташкилотчиси, таржимонлар, босмахонада ишлайдиган ходимлар ва «Умид» номли корхонадан мусулмон шрифтини олишга ҳамда турли адабиётларни харид қилишга киришилади. Айнан 1919 йилда Қозондан «ёш бухороликлар»га 45 пуд мусулмон шрифти ва 5 нафар ҳарф терувчилар ҳамда 1920 йил сентябрида уларга А.Измайлов орқали яна 105 пуд мусулмон шрифти юборилган эди<sup>46</sup>.

Туркистондаги босмахоналарни тўлақонли ишга тушишидан Турккомиссия ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам 1920 йил ноябрида Турккомиссия ўлкадаги босмахоналар ускуналарини янгилаш ва нашриётларга малакали мутахассис кадрларни жалб этиш учун махсус

<sup>45</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 180.

<sup>46</sup> Каримуллин А. Татарское государственное издательство и Татарская книга России (1917-1932), -Казань: Татарское книжное издательство, 1999. -С.146.

комиссия тузди. Ушбу комиссия аъзолари В.М.Свешник бошчилигидаги олтига босмахона мутахассисларига Москва, Петроград, Қозон ва бошқа шаҳарлардан Туркистон АССР, БХСР, ХХСР учун қоғоз, мусулмон ва рус ширфтларини харид қилиш вазифасига юклатилган эди. Комиссия таркибидаги Г.А.Сагидов ўз пайтида Қозон босмахоналарида ишлаган эди. Г.А.Сагидовга берилган гувоҳномада Туркистонга зарур босмахона ускуналарини харид қилиш ва юборишда ёрдам беришини сўраш билан бирга унга «босмахоналарда ишлашга мутахассис ва ходимларни ёллашга рухсат берилади...»,- дейилади. Комиссия саъйи ҳаракати туфайли Туркистонга Москва, Петроград, Қозондан 32 та босмахона, тош босмахона ва бошқа ускуналар, 400 пуд турли босмахонага керакли бўёқлар, 5000 пуд қоғоз, 500 пуд рус шрифти, 1300 пуд мусулмон шрифти олиб келинган. 1921 йил баҳорида Қозондан 300 пуд мусулмон шрифти ва озгина ўтиб 5 та тош босмахона, 200 пуд мусулмон шрифти келтирилган эди. 1921 йил май ойида Қозонда яна Туркистон учун 300 пуд мусулмон шрифти тайёрланиб, Тошкентга юборишга тайёрланган эди<sup>47</sup>.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларини Туркистонда даврий матбуот ва нашриётларни йўлга қўйишдаги иштироки натижасида аҳвол бир мунча яхшиланди. Аммо мутахассис кадрлар, босмахона ускуналари бўйича аҳволни яхшилаш борасида яна бир қанча ташкилий тадбирларни ечиш мақсадга мувофиқ эди. Ўрта Осиё республикалари ва Татаристон республикасидаги архив манбалири бу тўғрида маълумот беради. Масалан, ХХСР Нозирлар Кенгаши раиси томонидан 1921 йил охирида Қозондаги 1-сонли давлат шрифт тайёрлаш корхонасига қилинган мурожаатда, мусулмон шрифти йўқлиги аҳволни янада мушкуллаштираётганлиги сабабли ёрдам беришларини сўралган<sup>48</sup>.

<sup>47</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 181.

<sup>48</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 182.

1921 йил августида Татаристон республикасида БХСРга 58 пуд мусулмон шрифти ва ҳарф терувчилар ҳам юборилган. 1922 йил июлидаги маълумотларга қараганда, «Татаристон маркази Қозондан Бухорога 13 нафар мусулмон ҳарф терувчилари келди. Ҳарф терувчиларнинг деярли ҳаммаси... тажрибали, ўз ишининг устаси... Яқин кунларда 400 пуд мусулмон шрифти келади ва шундан кейин Бухорода нашриёт ишларини кенгайтириш мумкин бўлади», дейилади. 1922 йил октябрь ойининг бошларида БХСРга Қозондан яна 770 пуд мусулмон шрифтини қабул қилиб олинган. Мусулмон шрифтини Қозондан таъминлаш кейинги йилларда ҳам давом этган. Масалан, 1923 йил январидан 319 пуд мусулмон шрифтини Қозондан харид қилиш бўйича ТуркМИК қарори чиққан. Туркистонга мусулмон шрифти, босмахона асбоб-ускуналарини келтириш товар алмаштиришга ҳам асосланган эди. Масалан, 1920 йил январидан Петроград ва Москвадаги марказий босмахона ходимлари учун Туркистондан 6 пуд гуруч, 2 пуд қуритилган мева юборилган бўлса, 1921 йил майда Қозондаги босмахона ходимларига 60 пуд ун ва гуручни юборилган эди<sup>49</sup>.

Татар ва бошқирлардан Туркистонда даврий матбуотни йўлга қўйганлар қаторига ҳақли равишда Г.А.Хусаинов, Н.Бикяшев, Х.Хановларни ҳам қўшиш мумкин. Улар 1918 йили Бузлук шаҳридан ҳарбий сафарбарликка жалб қилинган бўлиб, Каспийорти frontiдаги «Қизил Юлдуз» газетасида фаолият кўрсатганлар. Улар 1921-1938 йиллари Туркманистондаги марказий матбуот органларида масъул лавозимларда ишлаган. Г.А.Хусаинов умрининг охиригача Туркманистон Республикасида давлат нашриётида директор бўлиб ишлаган.

Хоразмда 1920 йили Хива хонлиги ўрнида совет андозасига мос республика ташкил топиши муносабати билан маълум мафкура тарғиботи ва янги тузум ҳимояси учун «Инқилоб қуёши» газетаси ташкил қилинди. Бу газетанинг ташкилотчиси ва муҳаррири А.М.Тагиров эди. 1921 йили

---

<sup>49</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлар-аро муносабатлар тарихидан. -Т., 1998. - Б. 45.

қозонлик З.Ш.Баширов Тошкентда уйғур тилидаги «Камбағала аувази» газетасида муҳаррирлик қилади. Туркистон ўлкасидаги газеталарга муҳаррирлик қилишга Қозондан Тошкентга юборилганлар қаторида С.Г.Купер ҳам бор эди. У Тошкентда рус тилида нашр этилаётган «Известия ТуркЦИКа» газетасига маҳаррирлик қилган<sup>50</sup>.

Татаристондан Туркистонга матбуотчи кадрлар, керакли асбоб-ускуналарни юборилишидан ташқари Қозон нашриётларида ўзбек, қozoқ, қирғиз тилларида ҳам дарсликлар чоп этилган. Айрим дарсликлар ҳатто татар тилида ҳам Туркистонга юборилган, чунки татар тилидаги китобларни ўқиш, тушуниш ўлкадаги туркий халқлар учун жуда катта қийинчилик туғдирмас эди. Татаристон давлат нашрети БХСР учун Қозонда 1924 йил февралда 110 номдаги китобларни ўзбек ва тожик тилларида чоп этган<sup>51</sup>.

Большевиклар совет ҳокимиятини Туркистонда мустаҳкамлаш йўлида янги тузум ғоясини аҳолига сингдириш учун ғоявий-сиёсий тарғиботни кучайтириш ва бунинг учун ўзини Шарқда «инқилоб яловбардорлари» деб билган татар ва бошқирлардан «унумли» фойдаланишга эришдилар.

Шу мақсадни амалга ошириш учун 1919 йил мартида Туркистон ўлка партия қўмитаси раиси А.Ф. Солькин Марказга юборган телеграммасида Туркистонда совет ҳокимияти манфаати йўлида ғоявий-сиёсий ишларни юритиш учун тарғиботчи-йўриқчи поезди юборишни сўраган. А.Ф. Солькинга Москвадан юборилган жавоб телеграммасида «Оренбург тикини» очилиши билан тарғибот поездини тегишли йўриқчи ходимлар ва адабиётлар билан юбориш чора-тадбирларини амалга оширилажаги қайд этилган. Дарҳақиқат, «Оренбург тикини»га барҳам берилгандан кейин Туркфронт инқилобий қўшинлар қўмондонлиги билан ҳамкорликда, Самара губерниясининг фаол иштирокида 1919 йил кузида темир йўл ёқаларидаги

<sup>50</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 183.

<sup>51</sup> Эрназаров Т. Расцвет народной печати в Узбекистане. -Т.: Узбекистан, 1968. -С.62.

аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун М.В. Фрунзе номидаги «Қизил Туркистон» поездини юборилган<sup>52</sup>.

Ушбу поездга тарғиботчи-йўриқчиларнинг аксарият қисми Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида истиқомат қиладиган татар ва бошқирдлардан иборат эди. Поезд таркибида тарғиботчи-йўриқчиликка Самара, Симбирск, Қозон, Уфа ва бошқа губерниялардан сафарбар қилинган бўлса, поезддаги туркий тиллардаги адабиётлар билан Қозон губернияси таъминлаган. Поездда газета ва адабиётлардан ташқари кўчма кино, оркестр, кутубхона ҳам бор эди. Поезд нафақат темир йўл ёқасидаги аҳолига балки, Туркфронт таркибидаги ва Туркистондаги ҳарбий миллий қисмларда ҳам «инқилоб манфаат»лари йўлида хизмат қилиши керак эди. Туркистоннинг асосий аҳолиси рус тилини билмагани сабабли тарғибот учун кўпроқ бадий ва кўргазмали куруллардан фойдаланишни афзал кўрилган. Кўплар қатори тарғибот поездида ишлаш учун тарғиботчи-ташкилотчи сифатида А.И.Ёқубов ва С.Гиззатулинларни юборган эди. Натижада А.И. Ёқубов поездда адабий қисм мудири лавозими-ни эгаллаган. Ушбу поезд Туркистондаги фаолияти бўйича Самара, Қозон губкомларига доимий ҳисобот юбориб турганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган.

Совет ҳокимиятини Туркистонда мустаҳкамлаш йўлида Марказ яна битта тарғибот поезди ташкил қилишни мақсадга мувофиқ деб топади. Чунки Туркистондаги большевиклар сиёсатига нисбатан қаршилик ҳаракатини синдириш учун курулли кураш билан бирга ғоявий-сиёсий, психологик тарғиботни ҳам амалга оширишни зарур деб топилди. Шу сабабдан 1919 йил охири ва 1920 йил бошларида РКП(б) МҚ ташаббуси билан «Қизил Шарқ» тарғибот-йўриқчи поезди ташкил қилинди. 1919 йил 24 сентябрида «Қизил Шарқ» поездини Туркистонга юборишдан мақсад «инқилоб ғоя»ларини тарғибот-ташвиқот орқали ерли аҳолига синдириш деб топилди<sup>53</sup>.

---

<sup>52</sup> Расулов А. Туркистон маданий ҳаётида татарлар // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004, -№ 1. - Б. 45.

<sup>53</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 186.

Аммо «Қизил Шарқ» тарғибот поезди большевиклар томонидан шу пайтгача тузилган тарғибот поезди, пароходларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши керак эди. Биринчидан, бу поездда фаолият кўрсатадиган тарғиботчи-йўриқчилар Туркистон халқларининг тили, дини, турмуш тарзи ва урф-одатларини яхши биладиганлардан иборат бўлиши керак эди. Иккинчидан, тарғиботчи-йўриқчиларга жойларда нафақат «инқилоб ғоя»ларини тарғибот қилиш, балки маҳаллий ҳокимият фаолиятини назорат қилиш ва керак бўлса, уларни ҳам «инқилоб манфаатларидан» келиб чиқиб «тўғри йўлга» солиб қўйиш ваколати берилган эди. Учинчидан, ушбу тарғибот поезди Марказга Туркистондаги иқтисодий, маданий-маърифий ишлар, «социалистик инқилобга» ерли халқларнинг муносабати тўғрисида керакли маълумотларни йиғиши ва махфий ҳолда етказиш керак эди<sup>54</sup>.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, «Қизил Шарқ» тарғибот-йўриқчи поездини ташкил қилишга Москва, Петроград ва Волгабўйи, Уралолди худудларидан татар ва бошқирларни сафарбар қилинган. Айниқса бу борада Қозон губернияси ва бу ерда жойлашган ММХК поездда фаолият кўрсатиш учун ташвиқотчи, сиёсий ходим, йўриқчи, муҳаррирларни сафарбар қилишда алоҳида ўрин тутган. ММХК яна тарғибот поездини босмаҳона, ҳарф терувчилар, техник ходимлар ва туркий халқлар адабиёти билан таъминлашда ҳам фаол қатнашган. Масалан, «Қизил Шарқ» тарғиботчи-йўриқчи поездини Туркистонга юборишга тайёргарлик муносабати билан 1919 йил октябридан Марказ топшириғига мувофиқ, Қозондаги босмаҳоналарда мавжуд «инқилобий руҳда»ги китоб ва рисоаларни ўзбек ва қирғиз тилларига таржима қилишга киришилган. 1919 йил 15 ноябрига келганда «Қизил Шарқ» тарғиботчи-йўриқчи поезди учун туркий тиллардаги китоб ва рисоаларни чоп этиб бўлинган эди.

Москва, Қозон, Самара, Симбирск ҳамда бошқа шаҳарлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари Марказ ўзининг жойларда, хусусан Туркистон,

---

<sup>54</sup> Расулов А. Тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган татарлар // Жамият ва бошқарув. 2003, -№ 10. - Б. 47.

Бухоро, Хоразм республикаларида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатини ўтказишда татар ва бошқирлардан унумли фойдаланган. Ўз навбатида ўзларини «Шарқда инқилоб яловбардорлари» деб ҳисоблайдиган бошқирлар ва айниқса, татарлар большевиклар сиёсатидаги «адолат ва ҳақиқат»га ишонганлар ҳамда бу сиёсатнинг фаол тарғиботчилари бўлиб хизмат қилганлар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Шарқда «инқилоб жарчиси» тариқасида жонбозлик кўрсатган М.Х.Султан-Галиев 1919 йил 15 ва 17 декабрь кунлари Қозон губкомига қилган мурожаатида «Қизил Шарқ» тарғибот поездига зудлик билан беш кишини сафарбар қилишни ва туркий тилларда адабиётлар ҳамда араб шрифти харид қилиш учун «Шарқ адабиёти» босмахонаси ихтиёрига 300 минг рубль ўтказишни сўрайди. Қозонда истиқомат қилувчи татар маърифатпарварлари «Қизил Шарқ» поездининг Туркистонга «инқилоб ғоя»ларини тарғибот қилиш учун бориши тўғрисидаги хабарни ўзига хос хурсандлик билан кутиб олдилар. Қозон губерниясидаги турли анжуманларда туркий халқлар ичида татарларнинг Туркистондаги тарихий вазифасига тўхталиш билан бирга «Қизил Шарқ» поезди «ёруғ кунларга ва тўғри йўлни очиб беради», - деб умид қилдилар<sup>55</sup>.

Марказ талабига мувофиқ, дастлабки сафарбар қилинувчилар қаторидан Будаилов, Шагит Ахмадиев, Мухитдинов, Султанбек ва бошқалар ўрин олган эди. Туркистонга жўнаш олдидан 6 декабрда ўтказилган 1919 йил мажлисида ташвиқот поезди ходими Ялимов берган маълумотларга кўра фақатгина «...сиёсий бўлимда 13 нафар мусулмон ходимлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги татарлардан иборат эди. Мусулмон тилларидаги (туркий тилларни назарда тутилган-диссертант) адабиётларнинг аксарияти Қозонда чоп этилган». «Қизил Шарқ» поезди 1920 йил 13 мартда Тошкентга етиб келган. Поезднинг ходимлари Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ҳамда республиканинг бошқа шаҳарларида бўлдилар ва жойларда аҳоли

---

<sup>55</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 187.

орасида сиёсий-тарбиявий, тарғибот ишларини олиб борадилар. Поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, татар ва рус тилларида «Қизил Шарқ» газетаси чоп этила бошланди. Бу босмахонада бир кунда 5-6 минг нусха газета чиқариш ва турли мавзуларда варақалар чоп этиш имконияти бор эди. Газета ва варақаларни поезд босмахонасида чоп этилишида Вақиф Жалол, Абдулла Гайсин, Низомидинов, Аюпов, С.Мухамадиев, Хисматуллин, Шамсутдинов, Сагдеевлар катта роль ўйнаган.

Қозондан 1920 йили «Қизил Шарқ» тарғибот поездида Туркистонга келганлар қаторида Ш.Г.Ахмадиев ҳам бор эди. У поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, татар ва рус тилларида чоп этиладиган «Қизил Шарқ» газетасининг муҳаррири эди<sup>56</sup>. Ш.Г.Ахмадиев учун газета муҳаррирлиги янгилик эмас эди. Чунки у 1918 йил Қозондаги биринчи совет газетаси бўлмиш «Эш» («Меҳнат»)да ва «Қизил Шарқ» поездига сафарбар қилингунга қадар ММХКнинг органи бўлмиш «Қизил Армия» газетасида муҳаррирлик қилиб, маълум бир тажрибага эга эди. У расман тарғибот поезди газетаси муҳаррири бўлганига қарамасдан, Туркистонда чоп этилаётган газеталар билан ҳам ҳамкорлик қилган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида маданий-маърифий ишларини олиб бориш, ҳатто масжидларда ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланган. Маҳаллий аҳоли томонидан бой-бадавлат кишиларнинг ўтказаетган зуғумига қарши чоратадбирлар кўришда ҳам катта фаоллик кўрсатган.

Ш.Г.Ахмадиев кейинчалик Туркистон республикаси халқ маорифи комиссари ва шунингдек «Иштирокиюн» газетасининг муҳаррири бўлиб ҳам ишлаган. Ш.Г.Ахмадиевнинг фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, у оддий халқ манфаати ва туркий халқлар ҳамкорлиги йўлида жонкуярлик хислатларига эга бўлган<sup>57</sup>. У Туркистон халқ маорифига 1920 йилдан Қозон, Уфа, Оренбург, Самара ва бошқа худудлардан ўқитувчиларни, маданий-

<sup>56</sup> Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. -Т.: Узбекистан, 1971. - С.226.

<sup>57</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. -Т., 1998. -Б. 78.

маърифий йўналишларда ишловчиларни жалб қилишга ҳамда ўлкадаги босмахоналарга мусулмон шрифтини, асбоб-ускуналарни келтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Шунингдек, Ш.Г.Ахмадиев ўз фаолиятида БХСР инқилобий кўмитасининг аъзоси тариқасида ҳам маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият олиб борган.

Асосан Қозон, Уфа, Самара, Симбирск губернияларининг татар, бошқирд миллатиғи оид тарғиботчиларини ўз ичига олган «Қизил Шарқ» поезди 1920 йил январидан июнига қадар Туркистонга қилган биринчи сафарбарлиғида 5 та вилоят, 31 та шаҳар ва уезд маркази, 95 та қишлоқ ва овул, 49 та волостларда бўлиб, омма орасида ўлкадаги ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш бўйича 394 та митинг ўтказган. Ушбу митингда 123 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли қатнашган. Поезд босмахонасида Туркистон халқлари ва рус тилларида 37 минг нусха деворий газета, 187 нусха варақлар ўтказилган. Шунингдек, 68 та маъруза ўқилиб, унда 37485 киши қатнашган, 30 тадан ортиқ мажлис волостларда ўтказилган ва бунда 153 минг киши қатнашган, 178 та киносеанс қўйилган. Поезддан турли ташкилот ва одамларга 3078 та тарғибот кутубхоналари, 186 мингта ҳар хил китоблар, 58 мингта варақа, 5500 та плакатлар берилган<sup>58</sup>.

1920 йилнинг 15 июлида «Қизил Шарқ» тарғибот поезди Туркистондан Москвага қайтди. Марказга берилган ҳисоботдан большевиклар раҳбарияти ушбу поездни яна қайтадан совет ҳокимияти манфаатлари йўлида Туркистонга қайтаришни мақсадга мувофиқ деб топди. Эндиликда тарғибот поезди ходимларида Туркистондаги ижморий-сиёсий аҳвол тўғрисида назарий тушунчалар амалиёт билан тўлдирилган эди. Поезд ходимлари бўлмиш татар ва бошқирдлардан иборат сиёсий ходимлар, йўриқчилар Туркистондаги ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятни кучайтириш учун нималарга эътибор бериш тўғрисида илгарига нисбатан яққолроқ тушунчага эга эдилар. Шунинг учун ҳам «Қизил Шарқ» поездини иккинчи марта Туркистонга

<sup>58</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 188.

жўнатишдан аввал поезд ходимлари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига ташриф буюриб, тарғибот поездида, Туркистондаги вилоятларда ишлаш учун малакали кадрларни ва адабиётларни, мусулмон шрифти, босмаҳона ускуналарини харид қилишга киришганлар. «Қизил Шарқ» тарғибот поезди ходимлари Ш.Г.Ахмадиев ва М.К.Будаиловларга берилган гувоҳномада «...шошилич равишда Қозон, Чистополь, Мамадиш, Самара, Уфага шарқий адабиётлар, шрифт, босмаҳона ускуналарини харид қилиш ва Турккомиссияда ишлаш учун лойиқ кадрларни топиш учун сафарбар қилинади», дейилади.

«Қизил Шарқ» тарғибот поездида ишлаш учун кадрларни жалб қилишда қозонлик В.С.Шафигуллин ҳам фаол иштирок этди. У Қозон губерниясида чоп этилаётган «Эш» («Меҳнат») газетасининг муҳаррири, таниқли журналист сифатида нашриёт билан боғлиқ ишларни, ҳарф терувчиларни ва ўз ҳамкасабаларини яхши билгани учун ҳам тарғибот поездини тайёрлашда фаол қатнашди ҳамда ўзи ҳам кейин йўриқчиси тариқасида Туркистонда фаолият кўрсатди<sup>59</sup>.

«Қизил Шарқ» тарғибот поездида шикоят ва ариза бўлими бюросининг мудирлари лавозимида Ф.Ф.Султанбеков ишлаган. У Қозон губерниясининг Мамадиш уездидан сафарбар қилинган эди. Ушбу бўлим вазифасига маҳаллий совет ҳокимияти ва партия, совет ходимларининг аҳолига нибатан ноҳақ фаолиятларини ўрганиш (амалда тафтиш) кирар эди. Ф.Ф.Султанбеков бошчилигидаги бўлим аъзолари қишлоқ ва овулларда, уезд-шаҳарларда бўлиб, совет ҳокимияти органлари ва партия, совет ходимлари томонидан олиб бориляётган ноҳақликларни аниқлаш иши билан шуғулланганлар. Масалан, Самарқанд вилоятидаги 15 кунлик фаолият давомида шикоят ва ариза бюроси бўлимига 394 та шикоят тушди. Натижада ушбу шикоятларнинг асосли бўлганлари ўз жойида ҳал қилинган. Тушган ариза ва шикоятларни «адолатли» ечимида шикоят ва ариза бўлими мудирлари Ш.Х.Муратовнинг ҳам

<sup>59</sup> Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлар-аро муносабатлар тарихидан. -Т., 1998. –Б. 79.

«хизмати» катта бўлган. Кейинчалик у Андижон уезди партия кўмитасида йўриқчи бўлиб хизматга жалб қилинган. Лекин шуни қайд этиш лозимки, ушбу тарғибот поезди ҳамма вақт ҳам ўз фаолиятини маълум бир тартиб-қоида доирасида олиб бормаган. Масалан, «Қизил Шарқ» тарғибот поезди ходимлари томонидан биргина Андижоннинг 64 раҳбар ходими хибсга олиниб Тошкентга келтирилади. Натижада Андижон уезд-шаҳар партия ва совет идоралари янгиланади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу поезд ходимлари томонидан олиб борилган «фаолият» маҳаллий раҳбар кадрларни бадном қилинишига ҳам олиб келган. «Қизил Шарқ» тарғибот поезди амалда «қатағон поезди» вазифасини ўтаган<sup>60</sup>.

«Қизил Шарқ» тарғибот поезди 1920 йил 18 сентябрида БХСРга келди. Поезднинг сиёсий ходимлари, йўриқчилари аҳоли ўртасида асосий эътиборни Бухорода амирлик ўрнига келган янги халқ демократик тузумининг афзалликларини тушунтиришга қаратдилар. Яқиндагина эълон қилинган БХСРнинг партия ва совет органларини шакллантиришда тарғибот поезди ходимлари фаол қатнашдилар. БХСРга малакали мутахассислар, ўқитувчилар, муҳандислар, хотин-қизлар ичида ишлашга аёллар, журналистлар, партия ва совет ходимлари етишмасди. Масалан, БХСР халқ маорифи ноziри илтимосига кўра «Қизил Шарқ» тарғибот поезди ходимлари Ориф Алпаров, Ходи Файзий, Биккуловлар жойларда маданий-маърифий ишларга ва маориф нозирлигига жалб қилинган эди. Ш.Г.Ахмадиев, Х.Чанишев, Ф.Ф.Султонбековлар БКП ва БХСР ички ишлар нозирлигига жалб қилинган бўлса, М.К.Будаилов, Хабибуллинлар эса Бухорода давлат нашриётини ишга туширишга сафарбар қилинган эди. Шу ерда тарғибот поездининг «Қизил Шарқ» газетаси котиби ва поезднинг ҳарбий бўлим йўриқчиси М.К.Будаиловнинг БХСРда нашриётни йўлга қўйишдаги фаолиятига кенгрок тўхталиш жоиз.

М.К.Будаилов асли Мамадиш уездидан бўлиб, она тили бўлмиш татар тилидан ташқари ўзбек, қирғиз, араб, рус тилларини яхши билиши

<sup>60</sup> Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.35-38, 42.

муносабати билан маҳаллий ва русийзабон аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда қийналмади. У Бухорода янги матбуот ва давлат босмахонасини йўлга қўйиши керак эди. Аммо керакли мутахассислар ва босмахона асбоб-ускуналари, ҳарф терувчилар, ташкилотчи-журналистлар, мусулмон шрифти йўқлиги сабабли давлат босмахонаси фаолият кўрсатмасди<sup>61</sup>. М.К. Будаилов ва бир нечта ҳарф терувчилар «Қизил Шарқ» поездидан Бухорода нашриётни йўлга қўйиш учун қолдирилди. Уларнинг қилган саъйи ҳаракати туфайли 1920 йил сентябриданок «Ахбори Бухоро» номидаги газета М.К.Будаилов муҳаррирлигида чоп этила бошланди. Бундан ташқари айна вақтда рус тилидаги «Известия Бухарў» газетаси ҳам чиқа бошлади. Кейинчалик М.Д.Будаилов чиқарилаётган газета ва чақирик, варақа, плакатларга мунтазамлик бериш учун Бухоро амири боғига ташлаб қўйилган босмахона анжомларини тузатиб ишга солди. Аммо эндиликда босмахона бўлишига қарамасдан, ҳарф терувчилар, тош босмахонаси мутахассислари, мусулмон шрифти йўқ эди. М.Д.Будаиловнинг ташаббуси орқали Қозондан тегишли мутахассислар ва мусулмон шрифти келтирилди. Шундай қилиб, М.К.Будаилов БХСРнинг биринчи давлат нашриёти раҳбари бўлиб ишлади<sup>62</sup>. Кейинги йилларда у Туркистон ва ХХСРлардаги турли лавозимларда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатган.

«Қизил Шарқ» тарғибот поезда иккинчи марта Туркистонда 1920 йил августидан 1921 йил февралига қадар бўлди. Бу гал поезд тарғиботчилари ўз фаолиятларини Қўқон, Наманган, Хўжанд, Андижон, Скобелев уездларида хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларини тузишда, ғоявий-сиёсий ишларни амалга оширишда қатнашишдан бошладилар. Шунингдек, «Қизил Шарқ» поезд Каспийорти, Самарқанд вилоятлари ҳамда БХСРда ҳам партия ва совет органларида ғоявий-сиёсий ишларни мустахкамлаш бўйича иш олиб борди. Аҳоли ўртасида эса сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳамда

<sup>61</sup> Пидаев Т. Матбуот-миллат чироғи. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 1999. - Б.45-47.

<sup>62</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ... - Б. 175.

хокимиятни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди<sup>63</sup>.

«Қизил Шарқ» тарғибот поезда ходимлари Туркистон ва БХСРдаги аҳоли орасида янги «инқилобий ҳукумат»ни мустаҳкамлаш йўлида, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият кўрсатдилар. Ушбу тарғибот-йўриқчи поездини сиёсий ходимлар, ҳарф терувчилар, йўриқчилар билан таъминлашда Волгабўйи, Уралолдидаги губернияларда истиқомат қилувчи татар ва бошқирдлардан фойдаланилди. Ана шулар қаторида Ш.Г.Ахмадиев, В.С.Шафигуллин, М.М.Муштарий, Ф.Ф.Султанбеков, А.Алпаров, М.К.Будаилов, Х.А.Чанишев, К.Хуснитдинов, А.Хуснитдинов, Г.С.Латипов, Б.Д.Белоусов, И.Х.Муратов ва бошқалар бор эди. «Қизил Шарқ» тарғибот поездининг кўплаб ходимлари Туркистон АССР ва БХСР раҳбарияти илтимосига биноан Ўрта Осиё республикаларида ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ишларида кейинги йилларда ҳам қатнашганлар.

Кўришиб турибдики, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди худудлари ўртасида маданий-маърифий алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чунки большевиклар янги тузум ғояларини кенг ёйишда Россиянинг марказий губерниялари билан Туркистон ўртасида ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эдилар. Масалан, 1920 йил ёзида ТКП МҚ томонидан Россиянинг марказий губерниялари партия кўмиталарига ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш таклифини киритди. Шу муносабат билан Самара губкомига юборилган хужжатда: «Туркистон КП Сизларга информацион ва йўриқномаларга оид материаллар билан ўзаро алмаштириш алоқаларини юритишни таклиф қилади. ... умид қиламизки, [муносабатларни йўлга қўйишда] даврий матбуотларни ўзаро алмаштириб туриш ҳам ёрдам беради», дейилади. Ўз навбатида Самара губкоми 1920 йил 1 июлидан губернияда чоп этиладиган даврий матбуот материаллари ва йўриқномаларни

<sup>63</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 191.

Туркистон юбориб турган<sup>64</sup>. Ўзаро алоқалардан нафақат Туркистон республикаси, балки Россиянинг марказий губерниялари, хусусан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги губерниялар ҳам манфаатдор бўлган. Мавжуд архив манбалари бизга Пенза, Оренбург, Самара, Қозон, Калуга губернияларидан Туркистон республикаси ҳамда бевосита Самарқанд, Фарғона, Каспийорти (Туркман) вилоятларининг раҳбариятига жойлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий аҳвол тўғрисида тўлароқ маълумотларга эга бўлиш учун ахборотлар, матбуот материаллари юбориб туришларини сўраб қилган мурожаатлари тўғрисида гувоҳлик беради.

Кейинчалик Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари орқали даврий матбуотлар алоқаси янада кенг тус олган. Туркистон бу йўналишда Москва, Петроград, Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Самара ва бошқа ҳудудлар билан узвий алоқаларни йўлга қўйган. Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан даврий матбуот алоқаларини чуқур илдиз отишига сабаблардан бири шу эдики, кўплаб партия, совет ходимлари, ҳарбийлар, маданий-маърифий ходимлар ўша ҳудудлардан сафарбар қилиниб, Туркистонда «инқилоб ҳимояси»га жалб этилган эди. Масалан, 1921 йили ТКП Каспийорти вилоят партия қўмитаси Пенза губкомига қилган мурожаатида доимий равишда пензаликлар учун «Красное Знамя» газетаси ва бошқа даврий матбуот материалларидан юбориб турилишини сўраган. Ўзаро даврий матбуот алоқалари Симбирск, Екатеринбург губерниялари ва Татаристон республикаси билан ҳам ўрнатилган<sup>65</sup>.

Ўзаро иқтисодий муносабатлардан нафақат Туркистон, балки Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ҳам манфаатдор бўлган. Иқтисодий муносабатлардаги ўзига хос жараёнлар қуйидаги тарзда амалга оширилган:

---

<sup>64</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 192.

<sup>65</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. - Б. 193.

-Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар тўла-тўқис Марказ манфаатларига бўйсундирилган;

-«Оренбург тикини»га барҳам берилиши оқибатида, асосан Турккомиссия саъй-ҳаракати билан ўлка томонидан Россиянинг марказий губерниялари қуритилган мева, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тўқимачилик саноати учун пахта билан таъминлаш ишлари кучайган;

-Россиянинг марказий губернияларидаги иқтисодий аҳвол ночорлиги, озиқ-овқат тақчиллиги туфайли Туркистонда Марказнинг турли ширкатлари, матлубот жамиятлари фаолият юритган;

-Товар алмаштириш жараёнида Туркистон республикаси саноат маҳсулотларига муҳтожлик сезган ҳолда, Россиянинг марказий губерниялари ҳам ўлка хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари олишдан катта манфаатдор бўлган;

-Иқтисодий муаммолар ечимидаги ўзаро муносабатлар охир-оқибатда Туркистоннинг ўзида, хусусан Фарғона вилоятида қайтадан очарчиликни вужудга келишига олиб келган. Аммо ушбу муаммолар ечимида Марказ томонидан асосий оғирликни Туркистон раҳбарияти зиммасига юкланиб, маҳаллий аҳоли бошига тушган фожеага бефарқлик билан қараган.

Шунингдек, Туркистон маданий ҳаётида, хусусан халқ таълимини ривожланишида, ўлканинг матбуот, даврий нашриётларини жорий этишда Татаристон полиграфия саноати, татар мутахассислари муҳим роль ўйнаган. Аммо айна пайтда Марказ татарлардан Туркистонда янги тузум манфаатлари йўлида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун ҳам «унумли» фойдаланган.

Умуман олганда, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар ўз даврининг ҳамма мураккабликларини қамраб олган. Иқтисодий алоқаларда Туркистон манфаати нисбатан Марказ инон-ихтиёри юқорироқ турган. Айна пайтда Туркистон аҳолиси иқтисодий манфаатга нисбатан инсонийлик бурчини бажаришда ўз вазифасини дастлаб ихтиёрий ва кейин эса иложсизликдан

базарган. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг ўз кадрлари билан Туркистонда ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти ҳам ўз даврининг ҳамма мураккабликлари, зиддиятли жараёнларига эга.

## **II боб. Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланишидаги ҳамкорлик алоқалари.**

### **2.1. Миллий театр санъатининг вужудга келишида Россия мусулмон театр труппалари ва актёрларининг ўрни.**

Туркистонда жадиличлик ҳаракатининг маҳсули сифатида XX аср бошларида миллий театр санъати вужудга келди. Ушбу санъат турининг шаклланишида рус, озарбайжон сайёр труппалари билан биргаликда татар театр труппалари ҳам катта аҳамият касб этган. Ўзбек жадин драматургиясининг вужудга келиши ва шаклланиши бўйича тадқиқотлар олиб борган Ш.Ризаевнинг таъкидлашича, ўзбек миллий театр санъатининг туғилишига татар сайёр театр жамоалари муҳим туртки берган эди<sup>66</sup>.

Татарлар Европа театр санъати билан Туркистон аҳолисига қараганда анча олдинроқ танишган бўлиб, ўлкада яшовчи татарлар томонидан бадий кечалар ташкил этиш одат тусига кирган эди. Жумладан, Тошкентда савдо ишлари билан шуғулланувчи Шариф Яушев доимий равишда Москвадан бадий оркестрларни олиб келиб Тошкентдаги ўз боғида концерт дастурларини ташкил этган. Ушбу зиёфатларга К.П. фон Кауфман бошлик генерал-губернаторлик вакиллари ҳам таклиф этиб, ўз фаолияти учун лозим бўлган кўплаб сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритган эди.

XIX аср охири XX аср бошлари Туркистон тарихида муҳим ўзгаришларга бой бўлган давр ҳисобланади. Жадиличлик ғоялари шиддат билан ўлкага кириб келди ва Туркистоннинг кейинги тарққиёти даражасини белгилаб берди. Жадиличлик ғоялари билан бирга ўлка халқи учун “янгилик” ҳисобланган европача театр санъати ҳам кириб келди ва маҳаллий миллатни унга бўлган қизиқиши ортиб борди. Театр санъатини Туркистон халқи маданий ҳаётига қисқа давр ичида кириб келиши ва тараққий этишида ўлка

---

<sup>66</sup> Ризаев Ш. Жадин маърифатчилиги ва театр // Жадиличлик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққийт учун кураш. -Т.: Университет, 1999. - Б. 119.

тараккийпарварларининг татар маърифатпарварлари билан ўзаро ҳамкорликлари асосий рол ўйнаган. Туркий халқлар орасида татар профессионал театрининг пайдо бўлиши ва унинг ижодий сафарларини қачондан бошланганлиги тўғрисида қуйидаги фикрлар мавжуд. Х.Л.Кумўсниқовнинг фикрича, татар профессионал театрининг пайдо бўлиши ва унинг тўла шаклланган даври 1905 йилга тўғри келган. 1906 йил 22 декабрдан эса, бу театр труппаси ўз гастролларини бошлаган<sup>67</sup>.

М.Рахмонов ҳам 1905 йилги рус революцияси таъсирида ҳақиқий татар профессионал театри 1906 йилда ташкил топган дея қайд этади. 1908 йилда эса А.Қориев қўл остида “Сайёр”. Иззатуллина бошчилигида “Нур” театр труппалари ташкил топган<sup>68</sup>. Ш.Ризаевнинг қайд этишича, С.И. Волжская бошлиқ “Нур” труппаси 1911 йил ташкил топиб, 1912 йилдан ушбу шаҳарларда бўлганини таъкидлайди<sup>69</sup>.

Тошкентда истиқомат қилувчи генерал Соҳиб Гиреевич Еникеев хонадонида ҳам доимий равишда санъат кечалари ўтказиб келинган. 1904 йилнинг 4 апрелида шу хонадонда Навмиқ Камолнинг «Ишқ балоси» спектакли Туркистонда яшовчи татар ҳаваскорлари томонидан намоёниш қилинган<sup>70</sup>. Мазкур спектакль намоёниши бошланишидан олдин полковник Абубакр Диваев сўзга чиқиб, Европа театри ҳақида маъруза қилган. Хонадон эгаси С.Г.Еникеев бошқирдистонлик татарлардан эди. Унинг турмуш ўртоғи Саодатхоним Еникеева эса Қўқон хони Худоёрхоннинг Санкт-Петербургдаги элчиси Мирза Ҳаким парвоначининг татар хотинидан дунёга келган эди. Саодатхоним Тошкент аёллар гимназиясида таҳсил олиб, европача тарбия олган, рояль чалишни биладиган маърифатпарвар аёллардан бўлган. С.Г.Еникеев Россия империясининг Туркистондаги армияси сафида офицер сифатида хизмат қилган. У Асака уезди бошлиғи лавозимида ишлаётган пайтда 1898 йилги Дукчи эшон қўзғолонига хайрихоҳ бўлганликда айбланиб

<sup>67</sup> Кумўсниқов Х.Л. Истоки сценического реализма. Очерк из истории дооктябрьского татарского театра. Казан. Тат. кн. изд-во. 1982, -С. 3

<sup>68</sup> Рахмонов М. Х.Х. Ниёзий ва ўзбек Совет театри. - Т.: Уздавнашр, 1959, - Б. 62-63.

<sup>69</sup> Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. Т., Шарқ, 1997, -Б.27

<sup>70</sup> Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт... - С. 19,20; Турдиев Ш. Среднеазиатские татары... - С. 175.

истеъфога чиқарилган эди<sup>71</sup>. Истеъфодан сўнг С.Г.Еникеев Тошкентда яшаб, Туркистонда истикомат қилувчи татарларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Шу мақсадда бир неча бор Санкт-Петербургга ҳукумат расмийлари билан музокара учун борган.

1909 йили С.Г.Еникеев ва Саодатхоним хонадонидан татар ҳаваскорлари томонидан «татар драматургиясининг отаси» Алиасқар Камолнинг «Биринчи театр» номли комедияси қўйилган. Мазкур комедия сахна кўринишларида ўзбек зиёлиларидан А.Авлоний ҳам иштирок этган эди<sup>72</sup>.

С.Г.Еникеев ва Саодатхоним саъй-ҳаракатлари туфайли Тошкентда бадий татар ҳаваскорлари жамоаси юзага келган. Улар томонидан 1909 йили Тошкентда «Мусибати Фахриддин» ва «Қизлар қандай қулалар» номли спектакллар намойиш этилган. 1910 йилдан бошлаб эса Тошкентда доимий татар театр жамоаси иш бошлаган. Мазкур труппада озарбайжон, татар ва рус драматургиясининг сара намуналари сахналаштириб борилган<sup>73</sup>.

1908 йилда Сайёр труппаси Кавказда ижодий сафарда бўлиб, Озарбайжон театр труппаси билан учрашган. Бу труппага Ҳусаин Араблинский бошчилик қилган. У татар театрида аёлларнинг фаолият курсатишига юқори баҳо бериб, «буюк қаҳрамонлик» дея баҳолаган.

Ўша пайтда Озарбайжон театр труппасида аёллар ролини эркаклар ижро этишган. Ҳ. Араблинский Озарбайжон ва татар театрлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожланишида ўзининг ҳиссасини қўшди. «Нодир» спектаклида Нодирнинг хотини ролини 16 ёшли С.Иззатуллина-Волжская ўйнаган бўлиб, бу роли унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган. Ўша кезлари «Сайёр» труппасида 2 нафар аёл бўлиб, Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская ва Зулайхо Богдановалар бор эди. 1910 йилнинг ўрталарига келиб, «Сайёр» труппасида актриса аёлларнинг сони бирмунча кўпайиб, Гулсум Болгарская, Наима Тажирова, Нафига Арапова, Фотима Ильская ва Сара Байкина каби

<sup>71</sup> Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз ... дисс. -Т., 1995. - Б. 31.

<sup>72</sup> Ризаев Ш.Саҳна маънавияти. -Т.: Маънавият, 2000. - Б. 88.

<sup>73</sup> Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр... - Б. 119.

актрисалар сафга кўшилганлар. Уларнинг ўйнаган роллари татар театрининг шуҳратини янада ошишига сабаб бўлган. С.Иззатуллина-Волжская «Хўжайин ва ғулом» спектаклида Бибижамол ролини ўйнаган. У ўзини зўрлаб бойга узатмоқчи бўлган зулмкор отага қарши чиқа олган қиз ролини ижро қилиб, ундаги журъатлилик, мардлик ва ўз бахти учун курашиш каби қирраларини маҳорат билан очиб бера олган<sup>74</sup>.

Қўқонда яшаб, фаолият кўрсатган татар зиёлиси А.Шагидуллинов 1908 йили тўрақўрғонлик жадид мунаввари Исҳоқхон Ибрат таклифига кўра, Наманганга келиб, «Матбааи Исҳоқия»ни ташкиллашда иштирок этган. Унинг меҳнат ва ижодий фаолияти серқирра бўлиб, 1911 йили «Фалокатзода» номли қисса ва Туркистон тарихида биринчи бор ўзбек тилида «Маҳрамлар» номли 3 пардали драмасини ёзиб, 1912 йили «Матбааи Исҳоқия»да нашр эттирди<sup>75</sup>. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси ҳам айнан шу йилда ёзилган бўлса ҳам 1913 йили нашр этилган эди. Биринчи ўзбек миллий драмаси масаласида бу икки драма ва унинг муаллифлари олимлар ўртасида ҳозирги кунга қадар ҳам тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Татаристон театр труппалари Туркистонга 1911 йилдан бошлаб ташриф буюрганлар. 1911 йили Илёсбек Кудашев-Ашказарский раҳбарлигидаги профессионал татар «Сайёр» театр труппасининг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухорода бўлиши ҳам ўлкада маҳаллий театрчилик ишлари ривожига катта таъсир кўрсатган. «Сайёр» театр труппаси 1908 йилда Қозонда И.Ашказарский, С.И.Волжская ва А.Қориев ташаббуслари билан ташкил топган эди. «Сайёр» труппаси таъсирида 1912 йилда Уфа татарлари томонидан «Нур» номли театр труппаси ҳам фаолият кўрсата бошлаган<sup>76</sup>.

1910-11 йилларда Қозон ва Уфа каби Россия мусулмонларининг марказ шаҳарларида кўплаб театр труппалари мавжуд бўлган. Шундай труппалардан

<sup>74</sup> Кумўсников Л. Истоки сценического реализма. Очерк истории дооктябрьского татарского театра. Казан., Тат. кн.изд-во, 1982, -С. 91.

<sup>75</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси ... - Б. 126,127.

<sup>76</sup> История Татарской АССР. – Казань: Татарское книжное издательство, 1980. – С. 115.

бири Илѐс Ошқозорский Кудашевнинг театр труппаси бўлган. Фахрия Ибатуллоевна Кудашева Илѐс Ошқозорский Кудашевнинг турмуш ўртоғи бўлган. 1911 йил Фахрия унинг труппасига актриса бўлиб ишга киради. Шу йили мазкур труппа Россия шаҳарлари ҳамда Туркистон, Қошғар бўйлаб, ижодий сафарда бўлган. Сафардан асосий мақсад татар театр санъатини маҳаллий мусулмонларга ўргатиш бўлган<sup>77</sup>. М.Рахмоновнинг таъкидлашича, Туркистонга биринчи бўлиб мазкур театр труппаси ташриф буюриб, барча шаҳарларда “Бахтсиз куёв”, «Уч хотин билан турмуш», “Хўжа ва ғулом”, “Уят ёки кўз ёши” каби асарларни сахнага қўйган<sup>78</sup>.

«Сайёр» труппаси 1911 йили Тошкент, Бухоро ва Фарғона водийси шаҳарларида Алиасқар Камолнинг «Бахтсиз йигит», «Ўйнаш», «Бизнинг шаҳар сирлари», «Дажжол», Исҳоқ Богдановнинг «Камбағаллик айб эмас» номли сахна асарларини намойиш этган. Орадан бир йил ўтиб, таниқли татар актрисаси Соҳибжамол Иззатуллина Волжская Уфадан «Нур» номли театр гуруҳи билан келиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Марв, Чоржўй шаҳарларида спектакллар намойиш этган<sup>79</sup>.

1913 йили И.Кудашев-Ашказарский Тошкентда яна бир доимий фаолият кўрсатувчи татар труппаси тузишга раҳбарлик қилди. Труппа ишини ривожлантириш учун 1914 йилдан таниқли татар режиссёрлари Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров таклиф этилди<sup>80</sup>. Улар татар труппасида фаолият кўрсатиш билан бирга асосан ўзбек ёшларидан тузилган «Турон» театр труппаси<sup>81</sup> ишларини мувофиқлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. «Турон» театр труппаси 1914 йил декабрда татар режиссёри Муҳам-

<sup>77</sup> Гаффарова Г. З Автобиографии Фахрии Ибатуллоевнў Кудашевой-Арской. Гасўрла авазў, 2006, № 2, -Б. 168

<sup>78</sup> Рахмонов М. Х.Х.Ниёзий ва ўзбек Совет театри. - Т.: Узданапр, 1959. -Б. 62

<sup>79</sup> Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари... - Б. 32.

<sup>80</sup> Махмутов М., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театрў. – Казань: Татарстан китап нэшриятў, 1988. - Б. 158; +аранг: Илялова И. Межнациональнўе связи татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1985. – С. 66.

<sup>81</sup> «Турон» театр труппасига ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний томонидан 1913 йил охирларида асос солинган эди. +аранг: +осимов Б. Миллий уйғониш... - Б. 247.

мадёрв раҳбарлигида «Истанбул» ва Заки Боязидский режиссёрлигида «Тўй» пьесаларини сахналаштирдилар<sup>82</sup>.

И.Кудашев-Ашказарский раҳбарлигидаги «Сайёр» труппасининг 1913 йилдаги Туркистонга иккинчи ташрифи ва Тошкент, Наманган, Когон, Бухоро шаҳарларида спектакллар намойиш этилиши ўлкада театр санъатининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига ҳам маънавий, айти чоғда бевосита амалий ёрдам берган<sup>83</sup>.

1913 йили «Сайёр» труппасининг яна бир вакили Абдулла Қориев ўз жамоаси билан Симбирск, Самара, Саратов, Царицин, Астрахан, Боку шаҳарларидан сўнг, Туркистоннинг Чоржўй, Марв, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Оқмачит, Қозоли каби шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлиб спектакллар намойиш этган. Бу ҳол ТРМБ бошлиғи Сизихни жиддий ташвишлантирган. Сизих А.Қориев тўғрисида Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи, подполковник Добродеевдан маълумот сўраган. Ундан олинган махфий маълумотга қараганда, татар актёри А.Қориев шу йил қиш яқинлашиши муносабати билан Нижний Новгороддан Қозонга қайтиб келган. А.Қориев кенг дунёқарашли ва маърифатли киши бўлиб, Қозонда бўлган пайтларида доимий равишда мадраса талабалари билан учрашиб турган. У ўзи сафарда бўлган шаҳарларда татарлар билан учрашиб, улар томонидан олиб борилаётган маърифий ишлар тўғрисида қозонлик маърифатпарварларга сўзлаб берган. Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи бу маълумотларни етказиш билан бирга ТРМБ бошлиғи Сизихга А.Қориев фаолиятини жиддий назорат остига олиниши фойдадан ҳоли бўлмаслигини маслаҳат берган эди. Ўз навбатида подполковник Сизих Тошкент, Туркистон, Перовск, Аральск, Красноводск, Ашхобод, Марв, Мурғоб, Чоржўй, Самарқанд, Черняев, Сирдарё ва Марғилон полиция бошқармаларига йўллаган хатида А.Қориев фаолиятини қатъий назоратга олишни буюрган эди.

<sup>82</sup> Ризаев Ш. Саҳна маънавияти... - Б. 89.

<sup>83</sup> Ризаев Ш.Т. Ўзбек жаҳид драматургиясининг шаклланиш манбалари... - Б. 32.

Таъқиб ва тазйиқларга қарамай А.Қориев «Сайёр» труппаси билан 1913 йил 8 июнда Когонда, 13 июнда Самарқандда спектакллар намоишини ташкил этган.

1913 йилнинг 13 сентябрида яъни, байрамнинг иккичи кунида Колизей театрида Қозон шаҳридан келган Ф. Ильская иштирокида татарча театр кечаси бўлиб, унда “Тенгсизлар”, Фотих Амирхоннинг “Бир соатлик хотун” пьесалари ўйналган. Театр жуда қизиқарли бўлиб, халқ катта олқишлар билан қарши олган. Бундан тушган фойда хайрия ишларига сарф қилинган. Биринчи жаҳон уруши кечаётган оғир дамларда ҳам бутун мусулмон дунёсини диний байрами ҳисобланган мавлудин-набий кунини Туркистон аҳолисига туфҳа сифатида татар театр труппаси ҳамда татар аёллари томонидан 1915 йил 18 январда Хива тамошахонасида болалар эртаси кечаси уюштирилган. Саҳнадаги болаларни ўзларини тутишларидан Тошкентдаги татар мактабларида яхши тарбия берилганлигидан билиб олиш мумкин эди. Саҳнада “мавлудун набий” тамошаси кўрсатилиб, энг кичик иштирокчи 5 ёшли бола эди. Мақола сўнгида мавлуд байрамини ташкил этишда фаол иштирок этган афанди ва хонимларга ташаккур билдирилган. Кечага Туркистонлик муаллимлардан бир нечаси ташриф буюрган.

Аста секин маҳаллий аҳолининг ҳам театр санъатига бўлган қизиқиши ортиб борган. 1914 йил 15 январда Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида ўзбек ва татар ёш тараққийпарварлари биргаликда ўзбекча «Падаркуш» ва татарча «Олдадук ва олдандук» номли саҳна асарларини ижро этганлар. Спектаклларни томоша қилишга келганлар шу қадар кўп бўлган-ки, билетлар аввалдан қиммат нархларда сотилган. 320 кишилик театр залига қўшимча яна элликта жой тайёрланган. Баъзилар ўз билетларини икки баробар қимматига сотиб фойдаланиб қолганлар<sup>84</sup>.

1914 йил 2 март куни Каттакўрғонда маҳаллий татар ва ўзбек ҳаваскорлари томонидан «Падаркуш» драмаси қўйилган. Ундан сўнг татар труппаси ўз тилларида «Эрим қайтди» комедиясини намоиш этганлар.

<sup>84</sup> Ризаев Ш.Т. Ўзбек жаҳид драматургиясининг шаклланиш манбалари... - Б. 64.

Бухоро амирлигида театр ишлари ташкил этиш ҳам асосан татарлар томонидан амалга оширилган. Булар асосан Қозон ва Самарқанддан келган татар труппалари бўлиб, ўз спектаклларига маҳаллий татар, ўзбек ва тожик хаваскорларини ҳам ижрочи ёки ташкилотчи сифатида жалб этишга уринганлар. Шу тариқа Бухорода яшовчи татарлар томонидан ҳам янги бир труппа ташкил этилиб, татар, озарбайжон ва турк пьесаларини сахналаштира бошлаганлар. Бу труппага татар зиёлиси Ҳусайн Нажиб бошчилик қилган. Ҳ.Нажиб Бехбудийга мурожаат этиб, «Падаркуш»ни сахналаштиришга ижозат сўраган. Томошадан тушадиган фойдани фақир талабаларга тарқатилиши хусусида маълумот берган. 1914 йил 5 март куни Бухоронинг «Торикистон» биносида «Падаркуш» драмаси намойиш этилган. Бироқ татарлар «Падаркуш»ни маҳорат билан ижро эта олмаган бўлсалар ҳам, шу куни Алиасқар Камолнинг «Биринчи театр» комедиясини намойиш этиб, томошабинларни хушнуд этганлар.

1915 йил январь ойида бухоролик татарлар иккинчи бор «Падаркуш»ни сахнага қўйиш учун Бехбудийдан ижозат сўраб, ўз вакиллари Тўқдор Жалолиддин ўғлини Самарқандга юборганлар. Бухоро татарларининг бу сахна кўринишларида Абдурауф Фитрат ҳам фаол иштирок этган эди<sup>85</sup>.

Туркистонга татар театр труппалари билан биргаликда қўшиқчилар ҳам гастролга келганлар. 1913 йили татар хонандаси Муҳаммад Комил Мутъей Тухфатуллин Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, концерт дастурлари ташкил этган. Айниқса унинг Самарқанддаги русча, арабча ва туркийча қўшиқлари катта олқишларга сазовор бўлган. У шундай ижодий сафарини 1914 йилнинг ёзида Фарғона водийси бўйлаб амалга оширган эди<sup>86</sup>. Мана шундай гастрол сафарлари Туркистонда яшовчи татарларни ҳам мусиқа йўналишида фаолият юритишга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. 1914 йил 5 июндан Тошкент шаҳрида Мустафо Мансуров бошчилигида татар мусиқа тўгараги иш бошлаган. Бироқ бу тўгарак ривожланиши учун

<sup>85</sup> Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари... - Б. 103.

<sup>86</sup> Тожибоев Р. “Садон Фарғона” - жадид матбуоти намунаси // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. -Т.: Маънавият, 2001. - Б. 77.

ижтимоий замин етарли бўлмаганлиги сабабли қисқа вақт ичида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган.

Маҳаллий татарлар томонидан уюштирилаётган кўплаб кўнгилочар тадбирлар ва спектакллар асосан хайрия мақсадларини кўзлаган. «Шаҳрисабзлик» лақабли махфий хизматчи томонидан берилган маълумотда келтирилишича, 1914 йил 6 августда татар ҳаваскор театр тўғараги спектакллар намойишидан тушган маблағни ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг оила аъзоларига тортиқ қилганлар.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистонда истиқомат қилаётган татарлар томонидан бадиий кечалар, спектакллар намойиш этиш кенг кўлам касб этган.

1917 йил 2 апрель куни Тошкентдаги Колизей театрида биринчи бор «Тўқай кечаси» ташкил этилган. Кеча тўрт қисмдан иборат бўлиб, 1,2,3-қисмларда Ф.Сутушова, М.Яқубова ва Ш.Бойбурова Тўқайнинг хотин-қизлар масаласидаги фикрлари, Н.Сайфулмаликов эса Тўқайнинг таржимаи ҳоли, Ф.Султонбек бўлса Мисиринский ва Тўқайнинг татар миллатига кўрсатган хизматлари ҳақида гапирганлар. Кечада Тўқайнинг шеърларидан намуналар ўқилиб, унинг халқни илм-маърифатга ундашга бағишланган фаолияти ҳақида сахна кўринишлари намойиш этилган<sup>87</sup>.

1917 йил 19 майда Бухорода татар ва Кавказ ҳаваскор актёрлари томонидан маданий кеча уюштирилган. Унда «Адашув» номли комедия ва Шокир Анбулатнинг «Чингизхон қабрида» номли уч пардали тарихий пьесаси кўйилган. Татар миллий кўшиқлари куйланиб, Кавказ рақслари намойиш этилган. Кечада Туркистон комитети аъзоларидан С.Мақсудий ҳам иштирок этган ва томоша якунида сўз олиб халқни бирлик ҳамда иттифоққа даъват этган. Шу куни татарларнинг миллий театрлари ташкил топганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан Астраханда мусулмон ўқитувчилар жамияти ва ёшлар уюшмаси ташаббуси билан юбилей кечаси ташкил этилган эди.

---

<sup>87</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ... - Б. 126.

1917 йил 5 майда Янги Бухоро (Когон) шаҳрида Фитрат ва Камолиддин Нўғай саъй-ҳаракатлари билан «Кўхна туркба» номли уч пардали драма қўйилган. Мазкур сахна асари аслида Эски Бухорода қўйилиши режалаштирилган эди. Лекин бу ерда бўлиб ўтган сўнгги даҳшатли воқеалар (1917 йил 8 апрелда «Ёш бухороликлар» намоишининг ўққа тутилиши - диссертант) муносабати билан уни Янги Бухорода қўйишга қарор қилинган. Спектакл намоиши маҳаллий аҳолида жуда катта қизиқиш уйғотган ва катта олқишларга сазовор бўлган. Шу куни томошадан тушган 786 рубль соф фойда «Шўрои исломия» жамияти хазинасига берилган.

1917 йил 1 декабрда Тошкентда Фотима Ильская ва Фотиҳ Кабир ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Сайёр» труппаси ҳамда «Чўлпон» тўғараги аъзолари «Сотошқон қиз» номли тўрт пардали спектакл намоиш қилганлар.

Тошкентда муқим яшовчи татарлар 1917 йил бошларида Нўширвон Явушевнинг «Чингизхон» номли тарихий пьесасини сахнага олиб чиққанлар<sup>88</sup>. 1917 йил декабрда «Умид» матбааси мазкур бир пардали тарихий пьесани нашр этиб, сотувга чиқарган.

1917 йил 14 декабрда мавлуд байрами муносабати билан Каттакўрғонда татарлар жамияти томонидан «Иттиҳод ва тараққий» жамияти фойдасига кеча ўтказилган. У татар мактабида ўқувчи болалар томонидан уч бўлимдан иборат тарзда ташкил этилган. Биринчи бўлимда шеърхонлик, иккинчи бўлимда мусиқали чиқишлар, учинчи бўлимда «Ийимчилар қурбони» номли бир пардали драма намоиш этилган. 24 декабрда эса Тошкентда сиёсий аҳвол жиддийлигига қарамай татарлар томонидан шаҳардаги биринчи татар мактаби фойдасига спектакль намоиши ташкил этилган. Вазият ўта таҳликали бўлса-да, анча кўп томошабин йиғилган. Кўрилган 1300 рубль соф фойда эса татар мактаби ихтиёрига берилган.

1918 йил 2 февралда «Қозоли мусулмон театр тўғараги» томонидан ўзбекча-татарча спектакль намоиш этилган. Спектаклга томошабинлар

---

<sup>88</sup> Ризаев Ш.Т. Жадид драмаси ... - Б. 90.

шунчалик кўп тўпланган эдилар-ки, билетлар етишмаганлигидан одамларни киритиш учун назорат маркаларидан ҳам фойдаланилган. Шу куни олинган 470 рубль 14 копеек соф фойда тўгарак ихтиёрда қолдирилган.

Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ва олиб борилган сиёсат оқибатида нафақат Россиянинг ички губерниялари, балки Туркистонда ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий танглик вужудга келди. Бу ўз навбатида Туркистонда эндигина ривожланиб келаётган миллий театр тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатган. «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 23 март сонидан берилган хабарга кўра, 18 мартда Тошкентдаги ҳарбий кенгаш залида маҳаллий ўқувчилар «Гулистон» жамияти томонидан «Ишқнинг фуртунаси» номли тўрт пардали драма қўйилган. Бироқ бу спектакл кутилгандек яхши натижа бермаган<sup>89</sup>.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Туркистонда театр санъатининг юзага келишига татар зиёлилари муносиб хисса қўшдилар. Бу ҳол кейинги жараёнда маҳаллий аҳоли маданий онгининг ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлди.

## **2.1. Совет мафқураси асосидаги театр санъатининг шаклланишидаги ўзаро ҳамкорликлар.**

Татар театр труппалари Туркистонга тез-тез ижодий сафар уюштириб турганлар. Бундан асосий мақсад, Туркистонда европача театр санъатини кенг тарғиб қилишдан иборат бўлган. Қозон шаҳрининг театр труппаларидан бири “Сайёр” труппасининг дастлабки актрисаларидан бўлган Фотима Ильская 1917 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида ижодий сафардалиқ вақтида “Военный собрания” биносида маҳаллий ҳаваскорларнинг “Чўлпон” труппаси билан ҳамкорликда “Сотилган қиз” номли пьеса сахнага қўйилган<sup>90</sup>. Татар аёллари ерли халқ орасида театр санъатининг кенг ёйишининг

<sup>89</sup> Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ... - Б. 128.

<sup>90</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида // Тарих тилга кирганда ... Даврий тўплам № 1, - Наманган, 2007. – Б. 55.

йўлларида бири маҳаллий ҳаваскорлик труппалари билан ҳамкорлик қилишда деб билган. Хусусан, бундай ижодий ҳамкорликни дастлаб Фотима Ильская бошлаб берган. У Туркистонда кўп мартаба бўлган ва мухлислар эътборига тушган ҳамда ўлкада маданий ҳаётнинг жонланишида муҳим рол ўйнаган актриса эди.

Маҳаллий аҳоли орасида театр санъатига бўлган қизиқишни кучайишида туркистонлик ҳаваскорларни татар труппалари билан ҳамкорликда сахна асарлари яратишлари ҳам сабаб бўлган.

Хусусан, Фотима Ильская маҳаллий ҳаваскорлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб кўп асарларни сахналаштирган. 1918 йилнинг 21 май куни Қозоли овулида Фотима Ильская раҳбарлик қилаётган маҳаллий ҳаваскорлар труппаси билан татар труппаси ҳамкорликда Аёз афандининг “Муаллима” драммаси ва “Бир соатлик хотин” пьесалари ўйналган. Томоша халқ оммаси томонидан қизғин қарши олинган<sup>91</sup>. Ҳамкорликда қўйилган театрлардан тушган маблағлар маданий- маърифий ишларни жонлантиришга сарф этилган. Театр томошалари кўпроқ мусулмон оламининг улуғ байрамларидан бири бўлган рамазон ҳайити шарафига уюштирилган. 1918 йил 13 сентябр байрамнинг иккинчи кунида Қозон шаҳридан келган Фотима Ильскаянинг иштирокида Фотих Амирхонинг “Бир соатлик хотин” пьесалари ўйналган. Тушган маблағни мусулмон қироатхонасига тақдим этилган<sup>92</sup>. Юқоридагилардан маълум бўлдики, ўзбек миллий театрининг шаклланишида татарларининг ҳам ўзига хос ҳиссалари бўлган. Бундай ҳамкорлик натижасида европача театр санъати ўлкада кенг миқёсда тарқалган ва миллий театрнинг вужудга келишида асосий омиллардин бири бўлган.

Шундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ, “Шарқ кечалари” уюштирилиб, унда татар актёрлари ҳамда маҳаллий ҳаваскорлар билан биргаликда тегишли ролларни ижро қилишган. Театр томошаларига татар жамиятлари ҳам ҳомийлик қилган. Жумладан, 1918 йил Рамазон Ҳайити байрамининг

<sup>91</sup> Ўша жойда.

<sup>92</sup> Кумўсников Х.Л. Истоки из истории дооктябрьского реализма, очерк истории дооктябрьского татарского театра. Казань, Тат. Кн. Изд-во, 1982, - С. 23.

биринчи кунда “Муслималар жамияти” ва “Иттифоқ” жамиятини ташаббуси билан «Шарқ кечаси» уюштирилган. Кечада татар ёзувчиси Шариф Камолнинг “Уйланиш” номли комедияси татар ва маҳаллий хаваскорлик театр труппалари ҳамкорлигида сахнага қўйилиши режалаштирилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинган<sup>93</sup>. Татар труппаларининг Туркистонга келишлари ва сахна асарларини қўйиб тез шуҳрат қозонишларида мазкур заминдаги мавжуд қулай маданий муҳит сабаб бўлган.

Халқ орасида театр санъати ва ундаги томошабинларнинг тинглаш маданияти қандай бўлиши ҳақида маълум тушунча бериш борасида матбуотда мунтазам равишда мақолалар бериб борилган. Жумладан, З.Раҳматнинг “Театруни нечук онгларга” номли мақоласида: “Оврополилар театрларни ибодатхоналардан ортиқ кўришади. Сахна очилган пайтда ибодат вақтида қандай тартиб-қоидага амал қилсалар, тетрда ҳам шундай тартибни сақлаб сахнадаги қўйилаётган асарни мазмунига эътиборларини қаратадилар. Камчиликларини тузатишга ҳаракат қиладилар дейилади”<sup>94</sup>. Ўз навбатида муаллиф театр ҳақида туркистонлик мухлисларда ҳам шундай томошабин маданияти шаклланишини орзу қилади.

Татар хотин-қизлари ташаббуслари билан миллий кечалар уюштирилган. Мазкур кечалар ҳам маҳаллий аҳолининг театр санъатига бўлган муҳаббатни ортишига сабаб бўлган. 1918 йил 4 феврал куни мадрасаи фахриянинг муаллималари Омина ва Марям хонимларнинг ташаббуслари билан миллий кеча уюштирилган. Мактаб биноси кичиклиги учун Садриддин Сайфулмулуковнинг мактаби биноси ижарага олинган. Бу пайтга қадар Қозоли овули хотин-қизлари театр кўрмаганликлари туфайли уларга манзур бўлганлиги ҳамда ташаббускор Омина Маъмина ва Марям Фахриддиноваларга «Улуғ Туркистон» газетаси таҳририяти миннатдорчилик билдириши тўғрисида айтиб ўтилган.

<sup>93</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида... - Б. 56.

<sup>94</sup> Раҳманов М.Р. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. –Т.: Изд-во литература и искусства. 1981. – С. 45.

Шунда театр кечалари Туркистоннинг барча ҳудудларида уюштирилиб, бунда татар аёллари жонбозлик кўрсатиб, жамғарилган маблағни керакли мақсадларга сарфлаганлар. Жумладан, 1918 йил 18 октябрида Оқмасжидда татар аёллари томонидан илк маротаба театр қўйилиб, тушган 500 сўм миқдоридаги маблағ шахидмозорни бузилган қудуқларини таъмирлаш ишларига сарфланган<sup>95</sup>. Татар аёллари ҳайрия ишларида ҳам фаол қатнашиб, тушган маблағни маданий-маърифий ишларни муваффақиятли олиб борилишига сарф этганлар. Улар маданий кечалар уюштириб, унда лотарейя ўйинлари ҳамда буфетларни ташкил қилганлар. 1918 йил Тошкентда очлар фойдасига татар, ўзбек ва қозоқ ёшлари томонидан театр қўйилган. У тўрт қисмдан иборат бўлиб, Махмуд Козмуевскийнинг “Не қонер-не қондирер” номли пьесаси саҳнага қўйилган. Иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи қисмларда мусиқа, ўланлар айтилиб, рақс кечаси уюштирилган. Кечани ташкил этиш ва муваффақиятли ўтишида Марям Еникеева, Гавҳар Алиева, Уммул Ҳаёт Умидова, Марям Бахтиярова ва Шоҳида Бойбуровалар ташаббус кўрсатганлар. Кечада Эски ва Янги Тошкентнинг ҳамма зиёли ёшлари иштирок этганлар<sup>96</sup>.

Ўлкада саҳна кўринишлари жуда кўплаб қўйилган бўлиб, ундан тушган фойда ҳайрия ишларига сарф қилинган. Бу эса иқтисодий муаммоларни маълум даражада ҳал этишга ёрдам берган. Ушбуни фикримиз далили сифатида келтиришимиз мумкин. 1918 йилнинг 6 июнида татарча кечалар уюштирилиб, унда татар аёллари томонидан буфет уюштирилган. тушган маблағ очлар жамиятига ўтказилган.

Татар маърифатпарварлари аёллар китоб ва газеталар мутолаа қилиб боришлари учун кутубхоналарни ҳам ташкил этганлар. Мазкур кутубхонани маблағ билан “Иттифоқ” жамияти таъминлаган. Кутубхона қурилишига маблағ тўплашда татар аёллари фаол иштирок қилганлар.

---

<sup>95</sup> Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. –Т., Из-во. Узбекистан, 1970. – С. 56.

<sup>96</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида... - Б. 56.

Масалан, Тошкент шаҳрида очилиши кўзланган қироатхона учун Фотима Сутушова 1917 йилда “Иттифок” идораси фондига 145 сўм 55 тийин иона сифатида топширган. Кейин маълум бўлишича, бу маблағни у “қурбон байраими”да қўйилган “татарча театрда” яшил ва қизил бўйинбоғлар тайёрлаб сотиш орқали жамғарган. Мақола сўнгида бу фидойи аёлга ташаккур изҳор қилинади<sup>97</sup>. 1918 йил Тошкент шаҳрида татар мактаби ёнида қироатхона очилиб, унда турк ва татар тилидаги газета ва журналлар мавжуд бўлган. Қироатхона фақат душанба кунлари аёлларга хизмат кўрсатган. Бу кунда эркакларга қироатхонадан фойдаланиш учун рухсат берилмаган. Кутубхонада 300 дан ортиқ рус ва бошқа тиллардаги китоблар ҳам мавжуд бўлган<sup>98</sup>.

Мусулмон оламининг муқаддас байрамларидан бири бўлган рамазон ҳайити кунларида ерли аҳолига ҳадя тариқасида татар театр труппалари билан маҳаллий ҳаваскорлик труппалари томошалар уюштирилган. Шундай сахна кўринишларидан бири 1918 йил 11 июн яъни, ҳайитнинг иккинчи кунда маҳаллий ҳаваскорлик театри билан биргаликда Лола Уралская бошчилигидаги татар театр труппаси билан кеча уюштирилган. Кеча икки қисмдан иборат бўлиб, унда “Масхараланган хоним” ҳамда “Хат бўлғонди” номли комедия ва иккинчи қисмда “Она қабри ёнида” трагедиялари ўйналган. Бунда Лола Уралская ўзининг ролини маҳорат билан ижро қилиб, онаси қабри ёнида мунгли шеърини айтиши, унга скрипка навосининг жўр бўлиши тамошабинларда катта таассурот қолдирган. Сахнада шундай сукунат ҳукмрон эдики, гўё барча ўзини унинг қайғусига шерик бўлгандай ҳис қилиб, трагедия якунида актрисани гулдирос қарсақлар билан қарши олишган<sup>99</sup>.

Татар театр труппалари қўядиган асарларини газета саҳафаларида эълон тарзида бериб борилиши маҳаллий аҳоли орасида уларни муваффақият қозониши ва халқ оммасини кенг жалб этишни омилларидан бири бўлган.

<sup>97</sup> Раҳманов М. Ҳамза и узбекский театр. –Т.: Гослитиздат, 1960. – С. 89.

<sup>98</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида... - Б. 56.

<sup>99</sup> Камолов У. Ўзбекистон хотин-қизлар маорифининг ривожланиши // Совет мактаби, 1974, №1, -Б. 16-21

Мазкур мақола “Иштирокиюн” газетасида эълон тарзида ёритилиб, 1919 йил 13 октябрда Колизей биносида Туркистон ўлка татар театр труппаси томонидан “Хўжайин ва ғулом” номли уч пардадан иборат комедияси қўйилиши, унда актрисалардан Алфия Илфиюнова, Кримская ва Жаъфаровалар ҳамда Алиев, Рахмонқуловлар рол ўйнашлари билдирилган.

Большевиклар ҳукуматни эгаллагач, маърифатга интилувчи, шижоатли татар аёлларидан “ўз мақсадларини” амалга ошириш йўлида фойдаланган. Хусусан, мазкур даврда чоп этилган газеталарнинг бир неча нусхаларида татар театр труппаларининг фаолиятлари кенг ёритиб борилган. Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг фаолияти ҳақидаги ижобий фикрлар билан бирга танқидий ёндашувлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 19 октябр сонидagi “Япун” сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада (муаллифи номаълум-диссертант) татар театр труппаси томонидан қўйилган драма ҳақида танқидий фикрлар билдирилган.

Хусусан, бош қаҳрамон француз қизи Елена ролини татар актрисаси Моҳитоб Бахтиёрова ўйнаб, муаллиф унинг товуши паст даражада эканлиги, ҳатто унинг кулганида ҳам қийналиб қолишига сабаб бўлганлигини айтиб ўтган. Шунингдек, чоп этилган мақолаларда камчиликлар рўй-рост айтилиб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган ва керакли таклифлар берилган. Театр санъатини ўлкада муваффақият қозонишида татар драматургларининг ҳам маълум даражада ҳиссалари бўлган. Татар аёллари орасидан илк драматургларнинг етишиб чиқишини ўрганилаётган даврнинг муҳим ҳодисаларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур ҳолат эса кейинчалик ўзбек хотин-қизлар орасидан ҳам дастлабки адибаларнинг етишиб чиқишига туртки бўлди. “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 6 декабр сонидagi мақолада татар шоираси Ифбатнинг илк драмаси бўлган “Сора” ҳақида танқидий фикрлар билдирилган. Мақолада Ифбатнинг мақола ёзишдаги йўл қўйган жузъий хатолари устида сўз юритилиб, ундаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Мақолада ёзувчининг тажрибасизлиги ҳамда

асарнинг реалликка мос келмаганлиги танқид остига олинган. “Сора” ролини ижро этган Гавҳар ўз ролини яхши ижро қила олмаганлиги танқид қилиниб, бу ролни тажрибали актрисага бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган<sup>100</sup>.

Бундай мазмундаги мақолаларни матбуот саҳифаларида мунтазам бериб борилиши татар театр труппалари репертуарини замон талабига мос асарлар билан бойитилиши ҳамда улар фаолиятини янада яхшиланишига хизмат этган бўлса ажаб эмас. Мазкур даврда Туркистондаги нуфузли илм даргоҳларидан ҳисобланган дорулмуаллимин яъни, халқ дурулфунуни билан татар мактаблари ҳамкорликда кечалар уюштирилган. Бундай кечаларни ташкил этишда татар аёллари ташаббус кўрсатганлар. Масалан, 1918 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида Колизей биносида дорулмуаллимин ва биринчи татар мактаби идораси томонидан “Болалар эртаси” театр ва мусиқа кечаси уюштирилган. Бу кечани муваффақиятли ўтишида “Буфет“ уюштиришда ёрдамлари теккан Саодат Еникеева, Моҳитоб Ёвушева, Робия Сутушова ва Шоҳида Бойбуроваларга дорулмуаллимин ҳамда, биринчи татар мактаби идораси томонидан ташаккур билдирилган. Тўпланган жами маблағ 2288 сўм 70 тийин керакли мақсадларга сарф этилган<sup>101</sup>.

Совет тузуми ўрнатилгандан кейин барча қардош халқлари театр труппалари фаолиятида мавжуд мафкура манфаатларига мос асарлар қўйиб борилган. Жумладан, 1920 йил 14 майда ”Халқ думаси” биносида “Турмуш ўйини” номли асар татар театр труппаси томонидан саҳнага қўйилган. Асарда аввалги давр (совет ҳукумати ҳокимиятни эгалламасидан олдинги давр назарда тутилмоқда-диссертант) аёлларининг ачинарли ҳаёти акс эттирилади. Актриса Б.хоним ва И. хоним (исмлари кўрсатилмаган-диссертант) ролини ижро қилган Айножамол Хасановалар ўз образларини маҳорат билан ўйнаганликлари қайд этилган. Мақола Айножамол Хасановага кележақда моҳир актриса бўлиб етишиши ҳақидаги фикрлар билан яқунланади<sup>102</sup>.

<sup>100</sup> Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. - Москва: Наука, 1985, -С. 255

<sup>101</sup> Амирхан Ф. Татарка. Изб. Произ. М, 1959, - С. 268.

<sup>102</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида... - Б. 57.

Театр санъати воситасида ҳукмрон мафкура маҳаллий миллат онгида мавжуд тузумга бўлган “меҳр-муҳаббат” туйғуларини шакллантириш ва шу йўл орқали шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашда ўз тарафдорларини хотин-қизлардан танлаш сиёсатини амалга оширишни кўзда тутган эди. Мазкур мақсадни амалга оширишда большевиклар татар аёлларидан фойдаланганлар. Ғайрируслар театр сахналарида мавжуд тузумга қарши бўлган пьесаларни қўйилишини олдини олиш мақсадида, 1920 йили ҳукмрон фирқа томонидан театрларни мусулмонлаштириш лойиҳаси қабул қилинган. Унга кўра, барча миллатлар актёрлари халқ маорифи комиссарлиги рўйхатига киритилиб, қўйиладиган барча пьесалар театрлар бирлашмаси қошидаги комиссия текширувидан ўтган. Мазкур комиссия тасдиқлаган тақдирда пьеса сахнага қўйилиши қайд этилган<sup>103</sup>.

Мавжуд тузумдан миннатдорлик руҳи билан суғорилган сахна асарлари театр труппалари репертуаридан доимо жой олган ҳамда шундай асарлар театр сахналари қўйиб борилган ва халқ оммаси онгига “совет тузумига бўлган муҳаббат”ни сингдириш ва мустаҳкамлашда театр асосий восита бўлиб хизмат қилган. Айни пайтда театр санъатига маҳаллий миллатнинг қизиқиши кучли бўлиб, театр труппаларининг томоша қўйишлари ҳақидаги эълонлар матбуот саҳифаларида мантазам ёритиб борилган. Ўз навбатида большевиклар ҳам мақсадларини амалга ошириш учун бундай қулай шароитдан фойдаланганлар. Тоҳир ва Зухра қиссаси барча туркий халқларнинг севимли асарларидан бири бўлган. Татарларнинг ёш шоирларидан бўлган Патхий Бурнаш томонидан бу ҳикоя сахна учун мослаштирилиб ёзилиб, у 1922 йил 2 мартда Колизей биносида сахнага қўйилган. Мақолада бу асарни сахнада қўйилиш борасида фикрлар билдирилиб, Тоҳир ролини ижро этган К.Тинчурин ўз образини таъсирли ўйнай олмагани хатто ўлими олдидан айтган сўзлари ҳам томошабинларда бир таассурот қолдира олмаганлиги ҳақида сўз бориб, Зухра нафосатли ва ифбатли Шарқ қизи эканлиги, унинг товуши ҳам ўзига яраша нафис

<sup>103</sup> Ахтямова Н.С. Хотин-қизлар масаласи: Икки дунё, икки хил ёндашув. –Т.: Билим, 1987. – Б. 12.

бўлиши ҳақидаги фикрлар билдирилиб, сахнада қўйилган асардаги Зухра паст бўйли, овози жуда майин ва европача табиатли бўлиб гавдаланганлиги танқид остига олинади. Муаллиф томонидан Зухра ролини ижро қилган Олмасова образни тўлақонли очиб беролмаганлиги, унинг ўрнида Фотима Ильская бўлганида ролни яхшироқ ижро этиши ҳақидаги таклифлар билдирилади. Хоннинг хотини ролини ижро қилган Охмиярова ўз образини яхши ижро қилганлиги қайд этилган. Зухра ролини ижро этган Олмасова ҳақиқий Зухрани эмас балки, европалик ноз табиатли хоним сифатида сахнада гавдаланган. Хожар ролини ўйнаган Тинчурина эса образида бир татар савдогар аёли тимсолини яратган. Мақола сўнгида Бу асарда Шарк халқининг турмуш тарзи ифодаланиши ўрнига европача анъана ва турмуш тарзига мос ҳолда ўйналгани танқид қилинган. Юқоридагилардан маълум бўладики, татар актёрлари орасида европача маданиятга тақлид кучайган. Мақола муаллифи сахнада қўйилаётган асар қайси миллат урф-одати ва турмуш тарзига хос бўлса, шу тарзда акс этирилиши лозимлигини таъкидланган<sup>104</sup>.

“Тоҳир ва Зухра” пьесаси сахнада муваффақиятсизликка учраганидан кейин бу асар татар театр труппаси томонидан қайта сахналаштириб мухлислар эътиборига ҳавола этилган. Ильская билан Фотих Бакирнинг Татаристон театр труппаси томонидан чақирилиб, Қозон шаҳрига кетишлари муносабати билан 1923 йил 2 октябрда Колизей театри биносида “Тоҳир ва Зухра” пьесаси сахнага қўйилган. Мақола муаллифи бу пьесанинг қайта намойишида анча жойларига ўзгартиришлар киритилганлиги қолаверса, Зухра ролини Фотима Ильская маромига етказиб ижро этгани асар муваффақиятини таъминлаганини қайд этган. У ўз ролини ҳар доим аъло даражада ижро этиши таъкидланган. Офицер ролини ўйнаган Ойдоров эса театр труппасига яқинда қўшилган бўлиб, ўз ролини моҳирлик билан ижро этгани айтиб ўтилган. Томоша барчага манзур бўлиб, сўнгида Ф.Ильскаяни

---

<sup>104</sup> Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида... - Б. 58.

ўлка билим юртларининг ўзбек ва татар талабалари томонидан гулдаста ҳамда олқишлар билан қизғин кутиб олинган<sup>105</sup>.

Театр санъати ҳам ўша давр мафкураси таъсирида бўлиб, сахнага қўйиладиган асарлар ҳукмрон фирқа манфаатларига мос равишда танланган. Мазкур даврда ўзбек миллий театр санъати шакллана борди. Бунда татар театр труппаларининг ўзига хос ҳиссалари бор. Татар труппалари даврнинг талабига мос асарларни маҳаллий миллат эътиборига ҳавола этиб келган. Фотима Ильская Туркистонда сафардалиқ чоғида бир неча асарларни сахнада қўйилишида бевосита татар театр труппасига раҳбарлик қилган. Хусусан, 1923 йил Колизей биносида татар театр труппаси томонидан “Ҳинд кизи” номли пьесаси сахнага қўйилган. Бу турк шоири Абдулҳақ Холиднинг асарларидан бири бўлиб, унда Ҳиндистоннинг гўзал табиати ва аҳолининг диний ва миллий ҳаёти акс эттирилади. Асарда инглиз мустамлакачиларининг маҳаллий аҳолига кўрсатган жабр зулмлари кўрсатилади. Актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро қилишган. Асарни муваффақият қозонишида труппага Фотима Ильскаяни раҳбарлик қилиши муҳим аҳамият касб этган. Кеча халқ оmmasига манзур бўлиб, бош рол бўлган Ҳинд кизини Фотима Ильская ўйнаган. Англиянинг Ҳиндистондаги элчиси ролини Валиев ўйнаб, унинг хотини ролини Бахтиёрова ижро қилган бўлиб, у ўз ролини яхши ижро эта олмаган<sup>106</sup>.

Мазкур даврда ёзилган мақолаларда сахна асарларидаги мавжуд камчиликлар кўрсатиб берилиб уни бартараф этиш ҳақидаги фикрлар ҳам берилган. Ёзилган мақолаларда сахна асарларини муваффақиятсизликка учрашининг омилларидан бири этиб, пьесаларнинг яхши ёзилмаганлиги кўрсатилган. Масалан, Зулхабира ҳикояси татар ёзувчиси З.Башир томонидан ёзилиб, 1924 йил 10 ноябрда Колизей биносида татар театр труппаси томонидан сахнага қўйилган. Асарда рус маъмурлари томонидан

<sup>105</sup> Раҳманов М.Р. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. –Т.: Изд-во литература и искусства. 1981. – С. 123.

<sup>106</sup> Турдиев Ш. Адабий ҳамкорликлар самараси (Ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 45.

татарларни зўрлаб чўқинтириш сиёсати манзаралари ўрин олган бўлиб, асарнинг тузилиш мазмуни жиҳатидан одамларни жалб этадиган ва кутилган натижага эришадиган даражада эмаслиги қайд этилган. Асарда томошабинни ўзига жалб этадиган бирор жиҳат йўқлиги танқид қилинади. Масалан, “Зулхабиранинг” севган йигити бир неча полициячи билан христиан руҳонийсини ўлдирган пайтда, приставнинг ҳеч нарса қилмай туриши сахна асарини маваффақиятсиз чиқишини омилларидан бири сифатида кўрсатилган.

Муаллиф асарни ёзилишида камчиликларга тўла бўлганлигидан актёрларни ижроларидан бир айб қидиришнинг ўзи нотўғри йўл эканлиги айтиб ўтган. Айни пайда асарда ўз ролларини яхши ижро қилган актёрлар ҳақида ҳам сўз бориб, Зулхабира ролидаги Болгарская ўз ролини маҳорат билан ижро этгани, рус попи ролини ўйнаган актёр ўз образини яхши ўйнагани ҳақида фикрлар билдирилган. Маҳаллий матбуот саҳафаларининг аксарият қисмида татар театр труппаларининг фаолиятига ижобий тасниф берилган мақолалар мавжуд. Бунинг сабаби татар театр труппалари маҳаллий аҳолининг талаби ва ўша давр руҳиятига мос спектаклларни сахналаштириб намоёниш этганида кўриш мумкин. 1924 йил 18 ноябрида “Юсуф ва Зулайҳо” қиссаси “Халқ думаси” биносида татар театр труппаси томонидан Туркистонда сафарда юрган пайтда қўйилган.

Зулайҳо ролини Гулсум Болгарская ижро қилиб, Тоҳир ролини эса Алиасқар Камол ўйнаган. Асар тамошабинларга манзур бўлиб, татар-бошқирд “Ёрдам” кўмитаси томонидан Гулсум Болгарскаяга олтин медальон ва Алиасқар Камолга кумуш портцигар тақдим этилган. Мақола бу икки санъаткорларнинг ижросида яна бир сахна кўриниши қўйиб беришлари талаби билан яқунланади<sup>107</sup>. Ўзбек кинематографиясининг шаклланиши ва ривожланишида татар актёрларининг ҳам ўзига хос ҳиссалари бор. Масалан, Лолахон Сайфуллина асарлари асосида кўплаб фильмлар яратилган. Унинг

<sup>107</sup> Чеботарёва В.Г. Ўзбекистон хотин қизлари янги жамиятнинг актив қурувчилари. –Т.: Билим, 1987. – Б. 167.

”Кулаётган минора”, “Ҳикоялар” тўплами, “Олтин ҳарфлар”, “Ўзбек қизи”, “Қон ва сув” ва “Янги ҳаёт сари” пьесалари машҳур бўлган. Узбекгоскино трестининг “Шарқ юлдузи” номли кино-фабрика чиқарган “Иккинчи хотин” фильмининг сценарийларидан бири ҳам Лола Сайфуллинага тегишли бўлган эди<sup>108</sup>. Барча қийинчиликларга қарамасдан ўзбек аёллари ҳам кино санъатига кириб келганлар. Масалан, 1925 йили яратилган “Мусулмон аёл” фильмида Ольга Трятикова бош рол Саодатни, Рисолат Саидалиева эпизодик ролни ўйнаган. 1926 йилда суратга олинган “Бахт” фильмида эса бош қаҳрамон Жамила ролни ўзбек актрисаси Турсунхон Жаъфарова ижро этган<sup>109</sup>.

Халқ Маорифи Комиссарлиги қошидаги Театр бўлимининг татар аёли Якушевага 1921 йил 15 сентябрдаги берган гувоҳномасида, ҳақиқатдан ҳам у фото-кино бўлимида лента ўровчиси ёрдамчиси вазифасида хизмат қилганлиги қайд этилган. Ўлкада кино санъатининг тараққий этишида ҳам татар зиёлиларининг маълум даражада ҳиссалари бўлган. Ўзбек аёлларидан бўлган дастлабки актрисалар ҳам татар аёлларидан ўрнак олиб санъат оламига кириб келганлар.

---

1924 йилда Москва шаҳрида ўзбек артистлари учун махсус студия ташкил этилиб, унда қобилиятли, иқтидорли ўзбек ёшлари санъат асарларини ўрганишга киришдилар. Ёш актрисалардан Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятова биринчилардан бўлиб, ушбу студияда таълим олдилар<sup>110</sup>. Ҳукмрон мафкура маҳаллий хотин-қизлар онгида мавжуд тузумга “Мухаббат руҳи” ни шакллантириш йўли сифатида вилоятларда жамиятлар тузишни танлади. Чунки театр санъати ўлка аҳолиси учун янгилик ҳисобланиб, унга кизиқиш кучли бўлган. Шундай мақсадлар йўлида «Театрсеварлар жамиятлари» ташкил этилган. Жумладан, 1925 йилда Урганчда ҳам «Театрсеварлар жамияти» ташкил этилиши натижасида клублар ва театр

---

<sup>108</sup> Нишонбоева +. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. (20-30 йиллар тажриба ва оқибатлар). - Т, 1998, -Б. 144

<sup>109</sup> Ўша жойда.

<sup>110</sup> Нишонбоева +. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини... -Б. 141

тўғараклариининг ишларига алоҳида эътибор берила бошлаган. Бундай клублар ва тўғараклар аъзоларининг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлган. 1925 йил 13 мартда хотин-қизлар ташаббуси билан берилган концерт ва баллдан 463 сўм жамғарилган.

Шу йили Хива шаҳрида ҳукумат театридан ташқари марказий клуб, хотин-қизлар клуби ишлаб турган. Хотин-қизлар клубида татар аёллари Зухра Сафарова, Марям Ваисова, Рухина Тагилова, ўзбек қизлари Саодат Ёқубова, Онабиби Сафаевалар фаолият кўрсатган. Клубда спектакл ва концертлар ташкил этилиб, мазкур йилда унинг аъзолари сони 500 кишига етган. Шундан 302 нафари ўзбек, 180 нафари татар, 18 нафари рус хотин-қизлари эди<sup>111</sup>. Қ.Нишонбоевнинг таъкидлашича, клублар ходимларининг кўпчилиги русий забон бўлганлиги боис, маҳаллий хотин-қизларни уларга жалб этиш масаласини қийинлаштирган<sup>112</sup>. Турк-татар билим юрти муаллими Алпаров маҳаллий миллат аёллари орасида маданий-маърифий ишларнинг олиб борилишида кўпроқ татар хотин-қизларини иштирок этганликларини қайд этган. Ўтган давр мобайнида уларнинг ташаббуси билан маҳаллий аёллар билан бир неча йиғилишлар ўтказилиб, Эски шаҳарда бир қатор концертлар берилган. Татар хотин-қизлари тўғараклар, театр ва бадиий кечаларни уюштирилишида фаол иштирок этганлар<sup>113</sup>. Клубларга маҳаллий миллат хотин-қизларини жалб этишда татар аёллари асосий рол ўйнаганлар.

1925 йили Главполитпросвет (бош сиёсий маориф) қошида дастлабки ўзбек драма труппаси ташкил топган. Унинг таркибида 2 нафар ўзбек аёли ҳам бўлган. Улар Амирова Зарифа ва Ғаффорова Гавҳарлар эди. Ўз навбатида театр труппаларида татар аёлларининг иштироки натижасида жуда қийинчилик билан бўлса ҳам ўзбек хотин-қизларининг ҳам мазкур труппаларда фаолият кўрсатишига олиб келган. Ўзбек драма театрининг

<sup>111</sup> Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари. Т., Ғ.Ғулом нашр. 1991, -Б. 81-82

<sup>112</sup> Нишонбоева +. Ўзбекистон хотин-қизлар масаласини... - Б. 76

<sup>113</sup> Алпаров. Среди девчат татинпроса. За пять лет. Сборник по вопросам работў Коммунистической партии среди женхин Средней Азии. - М. 1925, - С. 81-83

ривожлантирш мақсадида, Главполитпросветнинг 1925 йил 27 сентябрдаги Самарқанд шаҳар вилоят ижроя кўмитасига берган хатида, ўзбек давлат драма театрини юқоридаги санадан бошлаб, маҳаллий солиқлар ҳамда Самарқанд шаҳридаги “Озодлик уйи” номли театрига тўланадиган ижара пулларида озод этилган<sup>114</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Туркистон ўлкасига маҳаллий миллат учун янгилик ҳисобланган европача театр санъатининг кириб келиши ва кенг миқёсда тарқалишида татар актёрларининг ҳам маълум даражада ҳиссалари бор деб ўйлаймиз. Театр санъатининг ўлкага кенг тарқалишида татар актёрларининг маҳаллий ҳаваскорлик труппалари билан қилган ҳамкорликлари алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур ҳолат маҳаллий ҳаваскорлик труппаларининг маълум даражада тажрибаларини ошиши ва уларнинг ҳам тараққий этишида асосий мезонлардан бири бўлган. Қолаверса, театр ва кино санъатида Иффат ва Лола Сайфуллина каби татар адибаларининг асарлари асосида дастлабки пьеса ва фильмларнинг яратилиши, ўзбек хотин-қизлари орасидан ҳам Манзура Собирова (тахаллуси Ойдин) каби илк адибаларни етишиб чиқишига туртки бўлган. Ойдиннинг 1925 йил “Янгилик йўли” номли дастлабки пьесаси эълон қилинган. Ойдин фақат ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан дастлабки адиб эмас, балки у ҳикоянависликка асос солган санъаткорлардан бири ҳам эди<sup>115</sup>.

Хукмрон сиёсий партия маҳаллий миллат хотин-қизлари онгида мавжуд тузумга садоқат руҳини уйғотишда турли йўللardan фойдаланган. Бунда уларни маориф соҳасига жалб этиш танланиб, ушбу мақсадни амалга оширишда маданий-маърифий ишларни кучайтириш деб ҳисоблаган. Шундай мақсадлар йўлида хотин-қизлар клубларини ташкил этди. Мазкур клубларга маҳаллий аёлларни жалб этишда ҳукумат дини ва тили бир-бирига муштарак бўлган татарларидан воситачи сифатида фойдаланган. Ўзбек

<sup>114</sup> Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. –Т., Из-во. Узбекистан, 1970. – С. 134.

<sup>115</sup> Нишонбоева +. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини... - Б. 142-143.

хотин-қизлари орасидан театр санъатининг усталари бўлган Маъсума Қориева, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева ва Турсуной Жаъфарова Замира Ҳидоятова каби эл ардоқлаган актрисаларнинг етишиб чиқишида татар актрисаларининг катта хизматлари бўлган дейишимиз мумкин.

Собиқ совет даври ўзбек халқининг маданий ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясалишига ҳам туртки бўлган. Хусусан, Туркистонга европача театр санъатининг кириб келишида асосан татарлар жонбозлик кўрсатган бўлсаларда, ўлкада мазкур санъатнинг кенг тарқалиши ва тараққий этишида шарт-шароитнинг мавжудлиги илк ўзбек актёрларини етишиб чиқишида асосий омиллардан бири бўлган. Москва шаҳрида ўзбек актёрлари учун махсус студиянинг очилиши ва унда ўзбек актёрларини ўз малакаларини ошириб етук артистлар бўлиб етишишда хукмрон сиёсий партиянинг ҳам ҳиссаси бор эканлигини таъкидлаш жоиз.

## Хулоса

Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари тарихи узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади. Мазкур ҳамкорлик алоқаларида асосан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари аҳолиси катта роль ўйнади. Туркистоннинг Россия империяси томонидан истило қилиниши ва ўлканинг метрополия билан бирлаштирилиши бу алоқаларни янги босқичга кўтарилишига олиб келди. Биз тадқиқотимизда икки ҳудуд ўртасидаги маданий алоқаларни фақатгина матбуот, матбаа ишлари ва театр соҳасигагина қаратдик.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, умумий тарзда қуйидаги хулосаларга келинди:

- Туркистонда вақтли матбуотнинг вужудга келишини ўз даври учун прогрессив ходисаларидан бири сифатида баҳолаш мумкин;

- Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларини вужудга келишида нафақат рус, балки татар матбаачилари ҳам катта роль ўйнаганлар;

- ўлкада ташкил этилган дастлабки вақтли матбуот нашрлари асосан мустамлака манфаатларига хизмат қилди;

- жаҳид матбуотининг вужудга келишида татар матбаачиларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этиш билан бир қаторда ўлкада маданий – маърифий ғояларнинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган;

- совет даври матбуотини ташкил этиш ишларида россиялик матбаачилар «катта жонбозлик» кўрсатганлар. Бунинг асосий мазмуни ўлкада совет мафкураси ва ғояларини ёйишдан иборат эди.

- 1917-1918 йил бошларига оид адабиётлар таҳлилидан шуни англаш мумкинки, мазкур йилларда матбуот саҳифаларида ҳеч қандай мафкуравий тазйиқлар сезилмайди;

- Туркистонда илк мусулмон театр труппаларининг келиши 1909-1910 йиллар оралиғи билан белгиланиб, унда «Нур», «Сайёр» театр труппаларининг катта хиссасини кўриш мумкин.

- рус ва татар театр труппаларининг ўлка бўйлаб амалга оширган гастроллари натижасида миллий театр санъатининг дастлабки куртаклари юзага келган;

- Туркистонда дастлаб россиялик актёрлар томонидан ижро этилган сахна асарлари таъсирида маҳаллий жадидлар томонидан ҳам илк драмаларнинг ёзилиши йўлга қўйилган («Падаркуш», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Абулфайзхон» ва бошқалар);

- совет даврида театр санъатининг асосий фаолияти маҳаллий аҳолига «инқилоб» ғояларини мажбуран тикиштиришга қаратилди;

- Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун худудларидаги туркий халқларнинг тарихий илдизлардаги умумийлик, уларнинг тил, дин, маданий-маърифий жиҳатдан бир-бирига яқинлиги асосий омил бўлиб хизмат қилган;

- Россия империяси мустамлакачилиги ва совет истибдоди даврида ўзаро муносабатларда норасмий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, бу маданий-маърифий, илмий-педагогик йўналишлардаги илғор тажрибаларни, ғояларни ёйишда муҳим аҳамият касб этган.

- таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг туб заминида озолик ва мустақиллик учун кураш ғоялари ҳам ётган.

Туркистонда рус тилида чоп этилган «Среднеазиатский вестник», «Средняя Азия», «Туркистанский каракурт», «Туркестанский скорпион», «Степнўе миражи» ва миллий тилларда нашр этилган «Ойина», «Ал-Ислоҳ», «Ал-Изоҳ» ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлари матбуот нашрларининг бойишига олиб келди. Октябрь тўнтаришидан сўнг, «Инқилоб», «Маориф ва ўқитғувчи», «Ер юзи», «Қурилиш», «Аланга», «Китоб ва инқилоб», «Социалистик фан ва техника», «Янги йўл» каби журналлар нашр этилди. Мазкур журналларнинг нашр этилишида ҳам россиялик матбаачилар билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари мавжуд бўлган.

Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги маданий-маърифий муносабатларнинг муҳим ютуқларининг асосий омилларидан бири сифатида империянинг ички губернияларидаги туркий халқлар (татар ва бошқирлар)нинг ўлка халқлари билан тил, дин ва маданий жиатдан яқинлигини кўрсатиш мумкин.

Совет давлати ҳукмронлиги давридаги маданий муносабатлар марказдан ўлкага коммунистик мафкурани мажбуран тикиштириш, мафкуравий, сиёсий тазйиқлар остида амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Совет ҳокимияти коммунистик ғояларини нафақат қурол орқали, балки ғоявий-сиёсий йўллар билан ҳам мустаҳкамлаш тарафдори эди. Шу мақсадда ўлкадаги босмаҳоналарни йўлга қўйиш, коммунистик ғояларини маҳаллий тилларда тарғиб қилиш учун керакли газета-журналларни чоп этиш бўйича тадбирлар ўтказди. Хусусан, ушбу масала ечимида Марказ раҳбарлари большевиклар сиёсатига мойил татар, бошқирлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Бу борада Татаристон матбаачилари фаолияти муҳим ўринга эга бўлдилар.

Туркистонда большевиклар сиёсатини тарғиб қилиш учун Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги татар ва бошқирд сиёсий ходимларини, журналистларини ўз ичига олган «Қизил Шарқ» тарғибот-йўриқчи поезди ҳам муҳим роль ўйнаган.

Магистрант истиқболда қуйидаги мавзулар бўйича яна тадқиқотлар олиб бориш мумкин, деб ҳисоблайди:

- Туркистонда мустамлака даври матбуоти ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1867 – 1917 йй.);
- Туркистонда матбуот соҳасидаги ҳамкорликлар тарихи (1867 – 1917 йй.);
- Туркистонда миллий театр тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари);
- XX аср бошларида Фарғона водийсида вақтли матбуотнинг вужудга келиши ва шаклланиши тарихи.

Тадқиқот таҳлилига кўра, мазкур мавзу бўйича айрим тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлишига қарамай, бу ишларни янада давом эттириш, тарихнинг очилмаган қирраларини мавжуд манбалар орқали ёритиб бериш лозим эканлиги маълум бўлди. Бу масалалар келгусида ўз тадқиқотчиларини кутиб қолади.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

### I. Расмий адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ЎЎ Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 414 б.
- 1.2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ЎЎ Биз келажакни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 1998.- 410 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ЎЎ Ўзбекистон овози, 1998. 28 июль.
- 1.4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

### II. Адабиётлар:

- 2.1. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. 1-жилд. -Т.: Шарқ, 2008. – 382 б.
- 2.2. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1867-2000). – Т.: Академия, 1999. – 232 б.
- 2.3. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Т.: Академия, 2002. - 240 б.
- 2.4. Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии: (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. - 268 с.
- 2.5. Акбаров Р. Туркистон миллий ташкилотларининг дастурларида миллий масаланинг акс этиши ЎЎ Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. – Т., 2003. - 335 б.
- 2.6. Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида ЎЎ Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т.: Эльдинур. 1998. - 94 б.
- 2.7. Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Т.: Академия, 1999. - 53 б.

- 2.8. Алиев Маънавият, қадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000. – 168 б.
- 2.9. Аннагурдов М.Д. Совет Туркменистанўнўн метбугат тарихўндан очерклар (туркман тилида). – Ашгабат, 1962. - 538 б.
- 2.10. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000. - 168 б.
- 2.11. Аҳмаджонов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. – Т.: «Та’лим манбаи» жамияти, 2003. - 270 б.
- 2.12. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. - 72 б.
- 2.13. Бехбудий М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1997. - 230 б.
- 2.14. Гаспринский И. Ҳаёт ва мамот масаласи Ғ Таржимон, тўпловчи, нашрга тайёрловчилар Б. Қосимов, З. Абдурашидов. – Т.: Маънавият, 2006. - 316 б.
- 2.15. Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX-начале XX в. -Т.: Фан, 1991. - 130 с.
- 2.16. Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт ҒҒ Слово о Тукае. –Казань: Татарское книжное издательство. 1986. - 432 с.
- 2.17. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарқ, 199. - 140 б.
- 2.18. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. - 126 б.
- 2.19. Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг таракқиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан, 1993. - 116 б.
- 2.20. Жўраев М. Ноширнома. – Т.: Ўзбекистон, 1989. – 120 б.
- 2.21. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998. - 478 б.
- 2.22. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. - Т.: Шарқ, 2001. - 447 б.
- 2.23. Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. - Т., 2000. - 174 б.

- 2.24. Измайлов А.Э. Просвещения в республиках советского Востока. – М.: Педагогика, 1973. - 368 с.
- 2.25. Илялова И. Межнациональнўе связи татарского театра. – Казань, Татарское книжное издательство. 1985. - 340 с.
- 2.26. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). - Т.: Фан, 1997. - 203 с.
- 2.27. Каримуллин А.Г. Татарская книга начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1970. - 319 с.
- 2.28. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – Москва: Наука. 1980. - 120 с.
- 2.29. Кумўсников Х.Л. Истоки из истории дооктябрьского реализма, очерк истории дооктябрьского татарского театра. Казань, Тат. Кн. Изд-во, 1982, - 132 с.
- 2.30. Матбуотимиз фидойилари. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 145 б.
- 2.31. Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: Маънавият, 2002. - 60 б.
- 2.32. Муин Ҳ. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2005. - 176 б.
- 2.33. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: Университет, 2007. – 184 б.
- 2.34. Мўминов Ф.А. ва бошқалар. Жаҳон журналистикаси тарихи. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006. - 336 б.
- 2.35. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1998. - 96 б.
- 2.36. Насриддинова Д. Маданий тараққиёт йўлида ЎТ Тарих тилга кирганда ... Даврий тўплам № 1, - Наманган, 2007. – Б. 55-58.
- 2.37. Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишининг маданий жиҳатлари. (20-30 йиллар тажриба ва оқибатлар). - Т, 1998. – 178 с.

- 2.38. Нурмухаммедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. - Т.: Ўқитувчи, 1993. - 96 б.
- 2.39. Пидаев Т. Матбуот – миллат чироғи. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 1999. - 80 б.
- 2.40. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. (1917-1924 йиллар). - Т.: Университет, 2002. - 166 б.
- 2.41. Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. - Т., 1998.
- 2.42. Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Т.: Университет, 2005. - 200 б.
- 2.43. Раҳманов М. Хамза и узбекский театр. –Т.: Гослитиздат, 1960.–320 с.
- 2.44. Раҳманов М.Р. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. – Т.: Изд-во литература и искусства. 1981. - 312 с.
- 2.45. Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ, 1997. - 320 б.
- 2.46. Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр Ўзбекистонда: ислоҳот, янгиликлар, муваффақиятлар ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. - 218 б.
- 2.47. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. –Т.: Манавият, 2000. - 176 б.
- 2.48. Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 186 б.
- 2.49. Турдиев Ш. Адабий ҳамкорликлар самараси (ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. - 128 б.
- 2.50. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т.: Фан, 1991. - 72 б.
- 2.51. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) Ғ тузувчи Н.А. Абдуазизова. - Т.: Академия, 2000. - 238 б.
- 2.52. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон: “Andijon nashriyot-matbaa” ОАЖ, 2000. - 651 б.

- 2.53. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. - Т.: Шарқ, 2003. - 351 б.
- 2.54. Шукурова Х.С. Социализм и женхина Узбекистана. –Т., Из-во. Узбекистан, 1970. – 168 с.
- 2.55. Эрназаров Т. Туркистонда вақтли матбуот (1870-1924 йиллар). – Т.: Ўздавнашр, 1959. – 148 б.
- 2.56. Эрназаров Т. Расцвет народной печати в Узбекистане. -Т.: 1968. -184 с.
- 2.57. Эрназаров Т. История печати Туркестана, 1870-1925 гг. – Т.: Ўқитувчи. 1976. - 287 с.
- 2.58. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-жилд. – Т.: Шарқ, 2000. – 462 б.
- 2.59. Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. – Наманган, 1993. –102 б.
- 2.60. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирли. –Т.: Ф. Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - 47 б.
- 2.61. Қосимов Б. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002. - 398 б.

### **III. Даврий матбуот**

- 3.1. Бобохонов А. Уч асрга юзланиб ЎФ Миллий тикланиш. 2000, 24 июль.
- 3.2. Бобохонов А. Асрларга тенг матбаа ЎФ Ўзбекистон овози, 2000, 11 январь.
- 3.3. Бобохонов А. Тарихни сохталаштириб бўлмайдими ЎФ Фидокор, 2004. 8 апрель.
- 3.4. Исоқбоев А.А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш ЎФ Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2005. -№1.
- 3.5. Исоқбоев А.А. Мозийнинг муҳтарам муаллимлари ЎФ Таълим ва тафаккур. - Наманган, 2005. -№2.

- 3.6. Исоқбоев А.А. Татарларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир ЁҒ Тарих тилга кирганда... (Мақолалар тўплами) Даврий тўплам. -№1. – Наманган, 2007.
- 3.7. Исоқбоев А.А. Туркистон матбуоти фидойилари ЁҒ Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№4.
- 3.8. Расулов А.Н. Тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган татарлар ЁҒ Жамият ва бошқарув. 2003, -№ 10.
- 3.9. Расулов А.Н. Туркистон маданий ҳаётида татарлар ЁҒ Ижтимоий фикринсон ҳуқуқлари. 2004, -№ 1.

#### **IV. Диссертациялар**

- 4.1. Исоқбоев А.А.. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дисс. - Наманган, 2008. – 179 б.
  - 4.2. Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917-1924 йй.): Тарих. фан. доктор ... дисс. - Наманган. 2005. - 348 б.
  - 4.3. Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари: Филология фан. номз ... дисс. - Т. 1995. - 177 б.
-



